

**Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги
Тошкент Давлат Юридик Институти**

ХОДЖАЕВ САИДАЗИЗ ВАЛИХАНОВИЧ

**«БИРИНЧИ ИНСТАНЦИЯ СУДИДА ҲИМОЯЧИ ИШТИРОКИНИНГ
ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ»**

5A 380111 - Суд тизими, прокурор назорати, адвокатура мутахассислиги бўйича

магистри даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

**ИЛМИЙ РАҲБАР:
ю.ф.н. АЛЛАМУРАТОВ А.Т.**

ТОШКЕНТ-2007

МУНДАРИЖА

	Кириш	3
I БОБ.	Жиноят процессида ҳимоя тушунчаси ва ҳимоячи иштирок этиши шарт бўлган ҳолатлар	8
§ 1.	Жиноят процессида ҳимоя тушунчаси ва аҳамияти	8
§ 2.	Ҳимоячи иштирок этиши шарт бўлган ҳолатлар	11
II БОБ.	Биринчи инстанция судида ҳимоячининг иштироки	34
§ 1.	Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлашда ҳимоячининг иштироки	34
§ 2.	Жиноят иши бўйича исботлашда ҳимоячининг иштироки	37
§ 3.	Суд муҳокамасида ҳимоячининг иштироки	43
§ 4.	Ҳимоя нутқи	48
III БОБ.	Ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширишда ҳимоячининг иштироки	54
	Хунос	66
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	70

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарбилиги. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов ўзининг Олий Мажлиснинг I-чақириқ XIV-сессиясида «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» деб номланган маърузасида: «Биз адвокатура тизимини кучайтириш ва унинг мустақиллигини таъминлаш, уларнинг ваколатлари ва мақомини прокуратура мақомига тенглаштириш учун қонунчилик соҳасида ҳам кўпгина чора-тадбирлар қурмоқдамиз»¹ деб бежиз таъкидламагандилар, чунки сўнгги йилларда адвокатура тизимини тубдан ислоҳ қилиш, унинг жамиятда тутган ўрнини мустаҳкамлаш, адвокатларнинг хуқуқ ва ваколатларини кенгайтиришга қаратилган харакатлар фаоллашиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида (2005 й. 28-январ) қилинган маърузада Президентимиз И.А. Каримов «Сиясий партиялар ва фуқаролик институтларининг давлат аҳамиятига молик энг муҳим қарорларни қабул қилишдаги роли ва таъсирини тубдан кучайтириш²»га эътиборни қаратдилар. Адвокатура тизими фуқаролик жамиятнинг узвий қисми сифатида мамлакатимизда олиб борилаетган ислоҳатлардан хусусан суд-хуқуқ тизимида руй бераетган ижобий ўзгаришлардан бевосита манфаатдор³.

Инсонлар жамиятда яшаб ижтимоий муносабатларга киришар экан, улар ўртасида низолар, мунозарлар келиб чиқиши табиийдир. Бу баҳсларни ҳал этиш учун демократик давлатларда кучли ва мустақил суд тизими яратилган. Судлар низоларни ҳал қилишда қонунларга асосланадилар. Шунинг учун суднинг фаолияти мамлакатдаги қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг фаолиятига жуда боғлиқдир. Суд адолатли бўлиши учун қонунлар адолатли бўлиши керак.

¹ Эаðèïîâ È.À. Ûçáåêèñðîí XXI àñðäà èíðèëì=äà. Ò.: Ûçáåêèñðîí, 1999. 25-åð.

² Эаðèïîâ È.À. Бизнинг бош ма=садимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислощ =илиш. -Ò.: ИПТД Ûçáåêèñðîí, 2005. 13-åð.

³ Саломов Б. Инсон щу=у=ларини щимоя =илишда адвокатуранинг роли. // Инсон щу=у=ларини суд ва суддан таш=арида щимоя =илиш муаммолари мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари. Т.: ТДЮИ, 2005. - 239 -бет.

Хозирда адвокатура тизимини кучайтириш ва уни чинакам мустақилигини таъминлаш, уларнинг ваколатларини ва мақомини кучайтириш тадбирлари кўрилмоқда. Ҳар қандай суд жараёнларида жиноий ишлар кўрилаётган бўлса ҳамда фуқаролик ишлари кўрилаётган бўлса албатта, бир томондан айловчи, иккинчи томондан тенг ҳукуқ билан ҳимоячи сўзга чиқади.

Фақат қонунга бўйсинувчи суд, судьялар қонуний ҳукуқ ва мажбуриятларига амал қилиб, айловчи ёки ҳимоя қилувчи томонларнинг фикрларини ҳолисона баҳолаб, мустақил равишда адолатли қарор қабул қиласди. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 24-моддасига мувофиқ суриштирув олиб борувчи, терговчи, прокурор, суд, гумон қилинувчи айбланувчига, судланувчига қонунда белгиланган усул ва воситалар билан ҳимоя қилишлари учун имконият яратиб беришга мажбурдирлар.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчини ҳимоя ҳукуқи билан таъминлаш учун гуман қилинувчи, айбланувчи айби қонунда белгиланган тартибда исботланмагунча ва қонуний тартибда кучга кирган суд ҳукми билан айб исботланмагунча айбсиз ҳисобланиши назарда тутилган конституциявий қоидага қатъий риоя қилиш зарур.

Баъзида қонуннинг оддий талабларига жавоб бермайдиган, етарли даражада исботланмаган, терговда тўпланиб суд мажлисида текширилмаган ёки текширилганда ҳам ўз тасдигини топмаган далилларга асосланган ҳукмлар учраб туради.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Инсон ҳар қандай қийинчилик азоб уқубатга тоқат қилиши мумкин, лекин адолатсизлик ва ҳурликка чидамайди».

Кейинги йилларда давлатимиз томонидан жамият аъзоларининг ҳукуқий онгини, савиясини, маданиятини юксалтиришга қаратилган сиёсатни амалга оширишда адвокатура тизимини тубдан ислоҳ қилиш, унинг обрўсини кўтариш ҳамда адвокатга бериладиган ваколатларни кенгайтиришга

қаратилган бир қатор норматив хужжатлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси «Адвокатура тўғрисида»ги қонуни (1996 йил 27 декабр), Ўзбекистон Республикаси «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги қонуни (1998 йил 25 декабр) ва бошқа ҳимоя ҳуқуқи билан боғлиқ қонунлар, қарорлар ҳамда меъёрий хужжатлар қабул қилинди.

Ушбу муаммонинг долзарблиги Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан Олий Мажлиснинг I-чақириқ VI-сессиясида сўзлаган нутқида ўз ифодасини топди. Жумладан, «Алоҳида, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш борасида янги қадриятлар ва кўникумаларни шакллантириш, пировард натижада эса инсон ҳуқуқларига ҳурмат-эхтиромни ва уларга риоя этишни умуммиллат даражасида ривожлантиришга қаратилган маданиятни юзага келтириш ғоят муҳимдир. Инсоннинг ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларидан яхши хабардор бўлиши шахс ҳуқуқларининг конституциявий кафолатларини рўёбга чиқаришининг энг асосий шарти бўлиб қолиши керак»⁴ деган эдилар.

Юқорида айтиб ўтказимиздек, адвокатлик фаолиятини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1998 йил 25 декабря «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида» қонун қабул қилиниши катта аҳамиятга эга бўлди. Бундан кўзланган асосий мақсад, фуқароларнинг ҳуқук ва манфаатларини ҳимоя қилиб, ҳар қандай процесс босқичида иштирок этишда ҳимоячи ўзининг малакавий кафолатланишига қадам бўлмоқда. Манфаатлари ҳимоя қилинаётган шахсни ҳимоя қилиш учун қонун таъкидламаган ҳар қандай харакатларни амалга оширишга ёрдам беради. Ўзбекистон Республикаси Олий суди бу борада судда айлов ва оқловнинг tenglik асосида олиб борилишини таъминлаш мақсадида 1996 йил 20 декабря «Ҳимоя ҳуқуқини таъминловчи қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида» қарор қабул қилди.

⁴ Эàðèïîâ È.À. Ùîçèðæ áîñ=è÷äà äåìîêðàðèê èñëîùðöæðíè ÷ó=óðëàøðèðèøíéä ïóùè

Ҳимоячининг жиноят процессидаги иштироки мураккаб ва муаммоли масалалардан биридир. У жиноят судлов ишларини юритишнинг бошқа масалалари билан, жиноят процессининг бошқа принциплари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, уларнинг қандай ҳал этилиши ҳимоячи иштироки масалаларига ҳам таъсир этади.

Хукуқшунослар ўртасида кўпдан бери мунозарага сабаб бўлган ҳимоячининг дастлабки терговда иштироки масалалари атрофлича ҳал қилинди. Лекин бу билан жиноят ишларини юритишда ҳимоячининг иштироки, процессуал ҳолатига доир барча масалалар ҳал қилинмаган. Буларнинг барчаси бизларга биринчи инстанция судида ҳимоячи иштирокининг ўзига хос хусусиятларига оид масалаларни тадқиқот обьекти қилиб олишга ва ушбу мавзууни танлашга йўл-йўриқ бўлди.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Магистрлик диссертациянинг асосий мақсади жиноят процессида ҳимоячининг процессуал ҳолатига оид масалаларни назарий жиҳатдан ўрганиб чиқиб, ўрганилган саволлар бўйича келиб чиққан муаммоларга жавоб қидиришдир. Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ҳимоячига, яъни ўз қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва ҳуқуқларини амалга оширишда унга юридик ердам кўрсатишга маҳсус вакил қилинган шахсга эга бўлишга ҳақли. Бу ўз навбатида ҳимоячига уларнинг тақдири ҳал қилишга бевосита иштирок этувчи шахс сифатида унга ҳуқуқлари билан бир қаторда кўплаган процессуал мажбуриятлар юклайди. Шунга асосланган ҳолда жиноят процессида ҳимоячининг процессуал ҳолатига оид масалаларни комплекс равишда ўрганиб чиқиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ушбу мақсадлар тадқиқотнинг:

-жиноят процессида ҳимоячининг процессуал ҳолатининг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш;

-химоячининг иштироки шарт бўлган ҳолларни чуқур ўрганиб, ушбу ҳолат талабларидан келиб чиқадиган муаммоларни ёритиш ва уларни ечишими топишга ҳаракат қилиш;

-жиноят ишини судда қадар юритишида ҳимоячининг иштирокига доир масалаларни ёритиш;

-жиноят иши бўйича исботлашда ҳимоячининг иштирокида келиб чиқадиган масалаларни очиб бериш;

-суд муҳокамасида ҳимоячининг иштирокининг ўзига хос хусусиятларини ёритиш;

-биринчи суд инстанциясида ҳимоя нутқига оид масалаларни таҳлил қилиш;

-жиноят процессида ҳимоячининг процессуал ҳолати юзасидан амалга ошириладиган чора-тадбирларни янада такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва хulosаларни ишлаб чиқиш вазифаларини белгилаб беради.

Муаммонинг ишлаб чиқилганлик даражаси. Юридик адабиётларда жиноят процессида ҳимоячининг процессуал ҳолати билан боғлиқ қўплаб муаммолари етарли даражада ёритилган. Мустақилликка олдинга йилларда мархум профессор Г.П. Саркисянц томонидан ҳимоячининг процессуал ҳолати тўла равишда ўрганилган. 1994 йили 22 сентябрда янги Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодекси қабул қилинганидан кейин ҳимоячининг жиноят процессидаги иштироки ўрганилиш обьекти бўлиб келмоқда. Ҳимоячининг ролини қўтариш, ҳимоя функциясини айлов функцияси билан тенглаштириш каби муаммоли масалалар барчамиз олдимизга ўрганишни талаб қиласиган вазифалар қўйди. Жиноят процессида ҳимоячининг процессуал ҳолатига оид масаларни ечиш ҳам ўз навбатида чуқур тадқиқотлар олиб боришни талаб қиласиган. Бу ўз навбатида ушбу мавзуни ўрганиш жараёнида қўплаб қийинчиликлар келтириб чиқармокда.

2007 йили муаллифлар жамоаси томонидан “Ўзбекистон Республикасида адвокатлик фаолияти” деб номланган 2-томли дарсликнинг

чоп этилиши давлатимизда адвокатура институтини ва адвокатлик фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган катта қадам бўлди.

Умуман олганда, жиноят процессида ҳимоячининг иштирокига оид масалаларни тадқиқ қилишда Абдумаджидов /., Алламуратов А.Т., Баршевский М.Ю., Володина С.И., Зинатуллин З.З., Кучерена А.Г., Ларин А.М., Иноғомжанова З.Ф., Рустамбоев М.Х., Саркисянц Г.П., Саломов Б., Строгович М.С., Стецовский Ю.И., Тўлаганова Г.З., Усманов Ш., ва бошқа ва кўплаб олимлар хисса кўшганлар.

Кейинги йилларда жиноят процессида ҳимоячининг процессуал ҳолатига оид муаммолар кўплаган ечимини талаб этадиган вазифаларни кўймоқда. Буларнинг барчаси ушбу муаммони магистрлик диссертациянинг, тадқиқотнинг мавзуси қилиб танлашимизга сабаб бўлди.

Диссертациянинг илмий янгилиги. Диссертацияда илмий материалларни ўрганиш, ҳаракатдаги қонунчиликни ва уни амалиётда қўллашни таҳлил этиш асосида жиноят процессида ҳимоячининг процессуал ҳолатига оид масалаларни комплекс тарзда тадқиқот қилишга ўриниб кўринди. Бу муаммони ўрганишнинг талаб ва зарурияти мамлакатимизда суд-хуқуқ соҳасида ҳимоячининг хуқуқий мақомини кўтариш, айниқса, жиноят процессида ҳимоячининг процессуал ҳолатига доир бўлган мунозарали масалаларни умумлаштирилган илмий-хуқуқий тадқиқотни кенг жамоатчилик эътиборига ҳовола этишdir.

Тадқиқотнинг объектини жиноят-процессуал нормалар ва жиноят процессида юзага келадиган хуқуқий муносабатлар, шунингдек ҳимоячининг процессуал ҳолатининг ўзига ҳос хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети ҳимоячининг фаолияти ва жиноят процессининг бошқа иштирокчилари билан ўзаро муносабатлардан иборат.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки жиноят процессида ҳимоячининг процессуал ҳолатини такомиллаштиришга ва улар фаолиятини яхшилашга ердам беради. Ҳимоячи томонидан ўз ваколатларини амалга оширилишида пайдо бўладиган муаммоларга батафсил тўхталиб, амалдаги

қонунчиликка киритилиши лозим бўлган таклифлар ва муаммоларни ҳал қилиш йўллари хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилган.

Ишнинг тузилиши ўтказилган тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари билан белгиланган бўлиб, у кириш, уч боб, олти параграф, хуроса ҳамда фойдаланган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I-БОБ. ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ҲИМОЯ ТУШУНЧАСИ ВА ҲИМОЯЧИ ИШТИРОК ЭТИШИ ШАРТ БЎЛГАН ҲОЛАТЛАР

1-§. Жиноят процессида ҳимоя тушунчаси ва аҳамияти

Жиноят процессининг вазифаларига фақат жиноятларни тез ва тўла очиш, айборларни топиш, фош этиш, қонунларни тўғри қўллашни таъминлашгина кирмай, балки жиноят содир қилган ҳар бир шахсни адолатли жазолаш ва ҳеч бир айби бўлмаган шахсни жавобгарликка тортмаслик ва асоссиз суд қилмаслик киради (Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 2-моддаси). Жиноят процессининг бу вазифасидан келиб чиқиб, жиноий процессуал фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири жиноят содир этишда жалб қилинган шахсларнинг ҳукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишdir.

Ҳимоя функцияси-айбланувчини оқловчи, унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ёки истисно қилувчи ҳолатларни аниқлашга, шунингдек унинг шахсий ва мулкий ҳукуқларини муҳофаза қилишга қаратилган процессуал фаолиятdir.

Химоя функцияси жиноят процессида айбловнинг (гумоннинг) вужудга келиши билан пайдо бўлади, «химоя айблов функцияси билан баб-баробар жиноят ишининг айблов ҳаракатда бўлган барча босқичларида амал қиласди»⁵. Процессуалист олим В.Д.Адаменко: «Агар айблов бўлмаса, унда химоянинг кераги йўқ»⁶-деб тўғри кўрсатиб ўтган. А.М.Ларин ҳам шунга ўхшаб таъкидлаб ўтади: «Айблов, процессуал мажбурлов бор экан, ундан химоя қилиш керак бўлади».⁷

Жиноят процессида айб ёки гумоннинг пайдо бўлиши билан, шахсга у ёки бу томондан ундан химоя қилиш учун имконият берилади. Бу эса химоя функцияси «айбловдан келиб чиқмайди, балки ундан мустақилдир»⁸ деган фикр билан келишишга бўлмайди. «Химоя айбловга (гумонга) бўлган реакциядир, у қаерда вужудга келса, шу ерда амал қиласди».⁹ Бизнингча, охирги берилган фикр мақсадга мувофиқроқдир, чунки химояни пайдо бўлиши айнан гумон ёки айбловга боғлиқ бўлади.

Химоя-бу айбланувчининг, гумондорнинг, шунингдек унинг химоячиси, қонуний вакили, жамоат химоячисининг фуқаролик жавобгари ва унинг вакилининг онгли мувофиқ фаолиятидир. Айнан шулар химоя функциясининг субъектлари ҳисобланадилар. Баъзан химоя функцияси деганда гумон қилинувчи (айбланувчи) учун моддий жавобгар бўлган шахсларнинг ҳукуқлари ва қонуний манфаатларини химоя қилишгина эмас, шу билан бирга жабрланувчининг, фуқаролик даъвогари, гувоҳларнинг ҳукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳам химоя қилиниши тушунилади.

Бизнингча гувоҳни, жабрланувчини, фуқаролик даъвогарни ҳеч ким ҳеч нарсада айбламайди ёки гумон қилмайди, шунинг учун улар жиноят процессуал ҳимоя функциясининг субъектлари бўла олмайдилар.

⁵ Çèíàòóëèí Ç.Ç. ÎáЩèå ïðîáëåìы îáâèíåíèÿ è çàщèòы ïî óâïëîâíыì äåëàì. -Èæåâñê. 1989. 41-42 бет.

⁶ Аәәиәйәи А.А. Нөшінөү ә ідәеалы қашеңды ғағылшының тарихы. -Оңтүстік, 1983. 9-бет.

⁷ Ёàðéí À.Ì. Đàññëäääîåíèå ii óäîëîåíiò ääëó и iđîöåññóàëüíyå ôóíêöè. -Ì., 1986. 29-бет.

⁸ Аңайы ��. Өсірекеү қашеңде аңай. өдіеңайілі іздіөзінші: Cáidíeê ríiñíshü äääñéàðó. - Кәдәнійәð, 1972. 15-бет.

⁹ №аöîâñèé П.È. Оäîëâí-ïðîöåññóàëüíàÿ äåëòåëüíîñòü çàщèòíèéà. І., 1982. 3-бет.

Жиноят процессида иккита қарама-қарши функция: айлов ва ҳимоя бўлиб, улар тортишувлик характерга эга, бирининг пайдо бўлиши иккинчисини вужудга келтиради. Ҳимоя, айлов сингари жиноят судлов ишларини юргизишга объектив заруратдир, бу сингари ушбу давлат фаолияти турининг характери билан белгиланади.

Ҳимоя функцияси шахсни гумон қилинувчи деб танилган ёки ушланган пайтдан, дастлабки терговда эса айбланувчи сифатида жавобгарликка тортилиб, айб эълон қилинган пайтдан бошланади, жиноят процессининг барча босқичларида амал қиласди.¹⁰

Ҳимоя функциясини амалга оширишда кимлар иштирок этаётганига кўра ҳимояни қуйидаги турларга бўлиш мумкин:¹¹

Биринчидан, гумон қилинувчининг, айбланувчининг ўзлари томонидан амалга ошириладиган ҳимоя.

Айбланувчини ҳимоя билан таъминлаш ҳуқуқи конституциявий принцип бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддасида мустаҳкамланган. Айбланувчига ўзининг конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш учун қатор процессуал ҳуқуқлар берилган (Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 46-моддаси). Бу ҳуқуқлардан фойдаланиб гумон қилинувчи ёки айбланувчи унга эълон қилинган айбни тўлиқ ёки қисман рад этиш учун ўзининг ҳуқуқларини ва манфаатларини ҳимоя қилишда маълум процессуал ҳаракатлар ва муносабатлар эса ҳимоя функциясининг таркибий қисмига киради.

Жиноят процессида айбланувчига ҳуқуқий ёрдам бериш учун бошқа шахсларнинг жалб қилинганлигидан қатъий назар амал қиласди.

Иккинчидан, маҳсус жалб қилинган шахслар, яъни ҳимоячилар томонидан амалга ошириладиган ҳимоя.

Учинчидан, дастлабки тергов, суриштирув, прокуратура, суд томонларидан амалга ошириладиган ҳимоя.

¹⁰ Ҷоашенко Л.А., Шамба Т.І. Адвокатура в Российской Федерации. -І.:Норма, 2005. 158-бет.

¹¹ Оаोеёёеі Ӯ.И., Ҫеіаооёёеі Ҫ.Ҫ. Ӣаеіаіеа ё қашеода іі օаіеіаіыі әаёа. -Еаҷаіү.

Бу органлар бевосита ҳимоя функциясининг субъектлари бўла олмайдилар, лекин ҳимоя функциясини тадбиқ қилишда, гумон қилинувчи ёки айбланувчининг ҳимоя билан таъминланиш ҳуқуқини амалга оширишда самарали ёрдам беради.¹²

Жумладан, жиноят процессуал қонунчилигига биноан суд, суриштирувчи, терговчи, прокуратура органларининг барча ҳолатларини тўла, ҳар томонлама ҳолисона текширишлари, айбланувчининг айборлигини кўрсатувчи ва оқловчи, унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи, истисно қилувчи барча ҳолатларини текширишлари, «айбланувчига қонунда белгиланган ҳуқуқий усул, воситалар ёрдамида ўзини ҳимоя қилиш учун имконият беришлари, унинг шахсий ва мулкий ҳуқуқларини муҳофаза қилинишини таъминлаши кўрсатилган» (Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 24-моддаси).

Бундан ташқари, прокурор айбланувчининг ҳуқуқларини қонунга хилоф бўлган ҳар қандай чеклашларни бартараф этиши лозим: масалан, «Агар дастлабки тергов органи чиқарган қарори айбланувчининг ҳуқуқлари ёки қонуний манфаатларини чекласа, уларнинг қарорларини бекор қиласди, иш юзасидан тергов олиб бориш жараёнида қонунни бўзса, уни тергов олиб борищдан четлатади, судда айбловни қўллаб-куватлашдан воз кечиши ва унинг маҳкум ҳолатини яхшилаш зарур бўлганда ёки айблов ҳукми асослантирилмаган деган холосага келганда протест келтиради».

Жиноят ишлари кўрилишида қатнашаётган ҳимоячи айбланувчини оқловчи ёки унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи шароитларни аниқлаш учун қонунда назарда тутилган барча восита ва усуллардан фойдаланиши ва айбланувчига керакли юридик ёрдам кўрсатиши керак.¹³

1996. 52-бет.

¹² Лубшев Ю.Ф. Адвокат в уголовном дела /Под ред. И.Б. Мартковича. - Й.: Норма. - 44-бет.

¹³ Рустамбаев М.Х., Никифорова Е.Н. Ўу=у=ни муҳофаза =илиш органлари. Дарслик. -Т.: ТДЮИ, 2005, 419-бет

Дастлабки тергов ва прокуратура органлари юқорида қайд этилган харакатларни амалга ошириш орқали айбланувчининг ҳимояга бўлган конституциявий ҳуқуқини амалга оширилишини таъминлайдилар.¹⁴

Айбланувчининг ҳимоя билан таъминланиш ҳуқуқи айбиззлик презумпцияси билан боғлиқ бўлиб, айбланувчининг айбизз эканлигига асосланади, «ҳимояга бўлган ҳуқук фақат айбловни рад этишдан иборат бўлмай, жиноят харакатини тўгри таснифлашда, енгил жазо тайинлашни асослашда айбланувчи учун муҳим аҳамиятга эга бўлган масалаларни ҳал қилишда ҳам аҳамиятга эгадир».¹⁵

Ҳимоянинг процессуал аҳамияти эса шунда намоён бўлади, у аввало айбланувчининг ҳуқук ва қонуний манфаатларини амалга ошириш воситаси ҳисобланади, шунингдек, жиноят судлов вазифаларини бажаришда ёрдам беради, ҳимоя институтининг мақсади-иш бўйича ҳақиқатга эришишнинг кафолатларидан бири сифатида хизмат қилишdir.

2-§ Ҳимоячи иштирок этиши шарт бўлган ҳолатлар

Ҳимоячи иштирок этиши шарт бўлган ҳолатларни қонунда белгилаб қўйилиши, бу муайян ҳолатларга кўра қўшимча кафолатларга муҳтоҷ бўлган шахслар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишни кучайтириш мақсадини кўзлашидир.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 51-моддасига асосан, қуйидаги ишлар бўйича ҳимоячи иштирок этиши шартdir:

- вояга етмаганларнинг ишлари бўйича;
- соқовлар, карлар, кўрлар, жисмоний нўқсони ёки руҳий касаллиги сабабли ўзини-ўзи ҳимоя қилиш ҳуқуқини амалга оширишга қийналадиган бошқа шахслар;

¹⁴ Леви А.А., Игнатьева М.В., Кипица Е.И. Особенности предварительного расследования преступлений осуществляемого с участием адвоката. –М.: Юрлитинформ, 2003. 35-бет.

¹⁵ Нoåöñâññéé Р.Э., Ёадеи А.И. Эйнодёдёёйиёэ ўдёёёи ўаанда-аиеў ўааёёйаанай ўдакка яа çàщёё. -I., 1988. 13-14-бетлар.

-судлов иши олиб борилаётган тилни билмайдиган шахслар иши бўйича;

-жазо чораси сифатида ўлим жазоси тайинланиши мумкин бўлган жиноятни содир этишда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахслар иши бўйича;

-шахслар манфаатларини ўзаро қарама-карши бўлиб, улардан ақалли биттаси ҳимоячига эга бўлган ишлар бўйича;

-давлат айбловчиси ёки жамоа айбловчиси иштирок этаётган ишлар бўлса;

-жабрланувчининг вакили сифатида адвокат иштирок этаётган ишларда;

-тиббий-йўсингдаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича.

Агар суд ишнинг мураккаблиги ва бошқа ҳолатлари туфайли судланувчи ўз хуқуqlарини амалга оширишда қийналиши мумкин деган хulosага келса, бошқа ишлар бўйича ҳам ҳимоячи иштирок этишини шарт деб топишга ҳақлидир.

Башарти ушбу юқорида кўрсатилган ҳолларда судланувчи томонидан ёки унинг илтимосномасига кўра ёхуд розилиги бўлган бошқа шахслар томонидан ҳимоячи таклиф қилинмаган бўлса, адвокатлар бюроси, ҳайъати ёки фирмаси раҳбари ишни судда мухокама қилишда иштирок этиш учун ҳимоячи тайинлаши шарт.

коида бўйича, ҳимоячи иштирок этиши шартлиги аён бўлгач, суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд айбланувчи ёки судланувчи томонидан ҳимоячи таклиф этилган-этилмаганлигини аниқлайди. Акс ҳолда адвокатлар ҳайъати орқали ишда ҳимоячи иштирок этишини таъминлаши зарур бўлади.

Вояга етмаганлар ва жисмоний ёки руҳий нўқсонлари борлиги сабабли ўзларининг ҳимоя хуқуқини амалга ошира олмайдиган шахслар процессуал ҳолати бошқа айбланувчилар процессуал ҳолатидан фарқ қиласди ва шу

сабабли буларнинг ҳимоячиларининг ҳам процессуал ҳолатлари ўзига хос хусусиятда бўлади.

Ушбу тоифадаги ишлар бўйича ҳимоячи иштирокининг шартлиги айблов эълон қилинган пайтдан таъминлаши шарт. Бу қоиданинг бузилиши жиноят-процессуал қонунининг жиддий бузилиши хисобланиб, ишни қўшимча тергов қилишга қайтаришга сабаб бўлиши мумкин.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, амалиётда айблов эълон қилинган пайтдан бошлаб химоячи иштирок этиши шартлиги масаласи қатор муоммоларга дуч келмоқда.

Масалан, шахс жиноят содир этган пайтда вояга етмаган, бироқ иш юритиши жараёнида вояга етиб қолса ҳимоячининг иштирок этиши шартлиги бўйича турли хил фикрлар берилган. Н.А.Аничканинг фикрича, айбланувчининг ёши унинг жиноят содир қилиш пайтидан белгиланиши лозим.¹⁶ Иккинчи гурух олимларнинг фикрича айбланувчининг ёши айб эълон қилиниши пайтидан бошлаб белгиланиши лозим.¹⁷ М.В. Игнатьеванинг фикрича, айбланувчининг ёши бунда роль ўйнамайди, у балоғатга етган бўлиши лозим деб ҳисоблайди.¹⁸ Бизнинг фикримизча содир этилган жиноятнинг хусусияти, ҳолатлари ва судланувчининг шахсидан келиб чиқиб, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд, вояга етмаган ёшида жиноят содир этган лекин дастлабки тергов ва суд муҳокамаси пайтида 18 ёшга тўлган шахсларни иши бўйича ҳимоячи иштироки шарт деб ҳисоблаймиз.

Умуман олганда жиноят процессида ҳимоячи иштирок этиши шарт бўлган ҳолатлар юридик адабиётларда етарлича ёритилган. Лекин бъязи бир масалаларга ойдинлик киритиш мақсадга мувофиқдир. Хусусан, жисмоний камчилиги ёки руҳий касаллиги сабабли ўз ҳуқуқини ўзи ҳимоя қила

¹⁶ Àíè÷êà Í.À. È âïïðîñó î ààðàíòèýð ïðàâ íåñîâåðøåíîëåòíåãî íáâèíÿåíîãî â óãïëåíîì ïðîöåññå. -Ñàðàòîâ. 1993. 170-бет.

¹⁷ Леви А.А., Игнатьева М.В., Кипица Е.И. Особенности предварительного расследования преступлений осуществляемого с участием адвоката. -М.: Юрлитинформ, 2003. 58-бет: Аðóðééí È.Í. Ó-àñòèå çàщèòíèéà íà íðåâåàðèòåëüííî ñéååñòåèé ðåïíåííî íðòðåññå. // Іðåâåàðèòåëüííî -1993.-№4. -37-бет.

олмайдиган шахслар доирасини ва умуман тушунчасини, шунингдек манфаатларини бир-бирига зид бўлган айбланувчилар мазмун моҳиятини чуқурроқ тадқиқ этиш лозим бўлади.

Бизнинг фикримизча, дастлабки тергов ёки судда даъвогар иштирок этаётган бўлса бу ҳолатда ҳам ҳимоячи иштирок этиши шарт бўлган ҳолатларга киритиш мақсадга мувофиқдир.

“Баъзи ҳолларда судлар вояга етмаганларга оид ишларни кўришда судда уларнинг қонуний вакиллари иштироки билан чегараланиб, бу ҳолда ҳимоячини ишга жалб қилиш шарт эмас, деб ҳисоблайдилар. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Олий суди бир неча бор вояга етмаган шахснинг ҳимояга бўлган хуқуқини кафолатловчи қонуннинг бу талабини шунчаки расмиятчилик билан ёндашиш мумкин эмаслигини уқтириб ўтган”¹⁹.

Амалиётда кўпинча ўтиш ёши ҳақида баҳс пайдо бўлиб қолади. Чунки баъзида вояга етмаган пайтда жиноят содир этган шахслар дастлабки тергов ёки ишни судда кўриш пайтида вояга етиб қоладилар.

Баъзи терговчи ва судьялар бу масалани расмиятчилик билан ёндашиб, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг “вояга етмасдан жиноят содир этган лекин ишни судда кўриш даврида вояга етган шахсга нисбатан суд содир этилган жиноятнинг характеристини, иш ҳолатларини, айбланувчининг шахсини ҳисобга олиб, вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларга оид қонун талабларидан келиб чиқиб, ҳимоячининг иштирокини мажбурий деб топиши мумкин”²⁰ деган тушунчани ҳисобга олмайдилар.

Жисмоний ёки руҳий камчилиги бор айбланувчиларга қайси ҳолатда, қандай тартибда ва қачондан ҳимояланиш хуқуқи билан (ҳимоячи орқали) таъминланади? Айбланувчининг кар, кўр, соқовлиги бундай саволларга,

¹⁸ Леви А.А., Игнатьева М.В., Кипица Е.И. Особенности предварительного расследования преступлений осуществляемого с участием адвоката. –М.: Юрлитинформ, 2003. 66-бет.

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми =арорларининг тыплами. 1991-1997. Т.: Адолат, 86-бет.

шубҳасиз ўрин қолдирмайди. Агарда айбланувчининг жисмоний камчилиги ёки руҳий касаллиги мавжудлиги кўзга ташланмаса ёки ота-оналар бу ҳақиқатни беркитса, шунингдек бу камчиликлар дастлабки терговнинг бошида эмас, балки айб эълон қилингандан сўнг ёки иш судда кўрилаётганда аниқланса қандай иш тутилиши лозим. Баъзида ҳимоячи иштирок этиши шарт бўлган ҳолатларда ҳимоячиларни тайинлаш билан чекланилади. Бу, албатта, нотўғри чунки ҳимоячилар айбланувчилар томонидан таклиф қилиниши ҳам мумкин. Бу эса ҳимоячи иштирок этиши шартлигини белгилайди. Бу саволларга қуйидагича жавоб бериш мумкин: *биринчидан*, иштироки шарт бўлган ҳолат сифатида айблок эълон қилинган пайтдан бошлаб, *иккинчидан*, жисмоний камчилиги ёки руҳий касаллиги аниқланган пайтдан бошлаб иштироки таъминланади.

Ҳимоячини иштирок этиши шарт бўлган ҳолатлар қаторига, шунингдек айбланувчининг ҳимоячи билан таъминлаш ҳақидаги мурожаати ҳам киради. қонуннинг бу нормаси одил судловнинг инсонпарварлик характеридан келиб чиқади ва фуқароларга ўз хуқуқ ва манфаатларини реал ҳимояланишини таъминлайди.

Айбланувчига дастлабки тергов тугагач эълон қилинган айблок бўйича ўлим жазоси қўлланиш эҳтимоли ёки мазкур жиноят учун жазо сифатида ўлим жазоси қўлланиши назарда тутилган бўлса, бу ҳолларда ҳам ҳимоячи иштирок этиши шарт. Чунки гап бу ерда инсон хаёти ҳақида кетаётганлиги сабабли ва ҳимоянинг ҳар қандай пассив иштироки ҳамда тергов ва судда йўл қўйилган камчиликлар оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун қонун мазкур тоифадаги ишлар бўйича ҳимоячи иштирокини шарт қилиб қўйган ва иштирок этаётган ҳимоячи адолатли жазо тайинланишини иш ҳолатлари ва тўпланган материалларни ҳисобга олиб енгилроқ жазо тайинлаш ёхуд оқлов ҳукм чиқаришга асос бўладиган фактларни келтириб илтимосномалар билан мурожаат қилишга ҳақлидир.

²⁰ “Вояга етмаганларнинг жиноятлари ща=идаги ишлар бўйича суд амалиёти ты\рисида“ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми =арори 2000 й. 15 сентябр. № 21, 12-13 б.

Бизга маълумки, охирги пайтларда Ўзбекистон Республикасида жиноий жазоларни енгиллаштирувчи қатор қонунлар қабул қилинмоқда, шулардан бири 2001 йил 29 августда қабул қилиниб 18 октябрда кучга кирган «Жиноий жазоларни либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси, Жиноят процессуал кодекси ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунидир.

Лекин шунга қарамасдан ҳимоячи иштирок этиши шарт бўлган ҳолатлар доирасини кенгайтириш, жиноят процессида айбланувчини ҳуқук ва манфаатларини ҳимояланишини реал таъминлаш кафолатига айланади.

Бундай кафолатлар қаторига ҳимоячини апелляция, кассация ва назорат тартибида ишларни қўриб чиқиша иштирок этиши шарт бўлган ҳолатларни ишлаб чиқиш ҳисобига амалга ошириш лозим.

II-БОБ. БИРИНЧИ ИНСТАНЦИЯ СУДИДА ҲИМОЯЧИННИГ ИШТИРОКИ

1-§. Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлашда ҳимоячининг ишлироқи

Маълумки жиноят ишлари буйича суд мухокамасида адвокатнинг ишироқи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасига мувофиқ айбланувчининг ҳимояга булган ҳуқуқини таъминлашнинг мухим амалий шаклларидан бири ҳисобланади. Судда ишнинг адолатли мухокама қилишида ҳимоячининг аҳамияти ута мухим ва бекиёсдир²¹.

²¹ Тўлаганова Г.З. Жиноят процессида ўимоячининг ишироқи. Ўкув қўлланма. - Т.: ТДЮИ, 2005. - 93-бет.

Ҳимоячининг биринчи суд инстанциясидаги иштироки мураккаб ва муаммоли бўлган муҳим масалалардан биридир, сабаби бизга маълумки, биринчи суд инстанциясида жиноят ишлари мазмунан кўрилиб ҳал этилади. У жиноят судлов ишларини юритишнинг бошқа масалалари билан, жиноят процессининг бошқа принциплари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, уларнинг қандай ҳал этилиши ҳимоячи иштироки масалаларига ҳам таъсир этади.

Биринчи инстанция судида ҳимоячининг иштироки ҳақида сўз бўлар экан, бу борада процессуалист олимларининг фикрларини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

И.Е.Милова, адвокат-ҳимоячининг биринчи инстанция судидаги иштироки унинг дастлабки терговда далилларни тўплаш ва текширишда қатнашганлигига боғлиқ бўлади деб таъқидлайди. Унинг фикрича, дастлабки ва суд терговининг ҳар томонлама, тўлиқ ва объектив бўлиши ҳамда қонуний ва асослантирилган ҳукм чиқарилиши ҳамма ҳолатларда ҳам исботлашда ҳимоячи иштирок этишига боғлиқ бўлади.²² Бизнингча бу нотўғри.

Албатта, қонуний ва адолатли ҳукм чиқаришига исботлаш процессида ҳимоячи иштирок этишига боғлиқ бўлади. Аксарият ҳолларда ҳимоячи жиноят процессига дастлабки тергов босқичи кириб келади. Лекин баъзи ҳолларда ҳимоячи биринчи инстанция суди яъни суд муҳокамаси босқичига кириб келиш ҳоллари ҳам истисно қилинмайди. Бундай ҳолларда ҳимоячига иш бўйича тўплаган материаллар билан танишиб чиқиш имкони берилади. Бундан кўриниб турибдики, дастлабки терговда йўл қўйилган камчиликни аниқлаш ҳимоячи онгига, унинг иш материалларидан қанчалик хабардор бўлишига боғлиқдир.

²² Йеъин а. Э.А. О÷ањөа ааїїаðа-çàщёдіеа а пїаёðаіе аїёаðаёўпðа іа іðаёаðаðеоðеўїї пїёаёпðае. -І.: Норма, 1999. 65-бет.

Бизга маълумки, жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш—жиноят процессининг мустақил босқичларидан биридир.

Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлашда ҳимоячининг иштироки бу босқичда ҳал қилинадиган масалалар билан боғлик. Бу ерда маълумки, ишни судда кўриш учун тайинлаш масалани ҳал қилиш чоғида судья ҳар бир айбланувчига нисбатан қўйидаги ҳолатларни аниқлаш лозим;

- 1) иш мазкур суднинг судловига тегишилилиги;
- 2) ишни тугатиш ёки тўхтатишга сабаб бўладиган ҳолатлар;
- 3) ишнинг суд мажлисида кўриш учун асослар етарлими;
- 4) суриштирув ва дастлабки тергов ўтказиш чоғида ЖПК талабларига риоя қилинганми;
- 5) айбланувчига нисбатан эҳтиёт чораси тўғри тайинланганми;
- 6) айбланувчига қўйилаётган моддий қонун моддалари тўғри тадбиқ қилинганми;
- 7) айблок хулосаси ЖПК талабларига мувофиқ тузилганми.

Мана шуларни текшириб, ўз эътиборини айнан шу ҳолатларни аниқлашга қаратади.

Ишда иштирок этаётган ҳимоячи юқорида санаб ўтилган ҳолатларни бири мавжуд бўлса судга талабнома келтиради. Ўз талабномасида ҳимоячи суднинг эътиборини шу масалаларга қаратади. Ҳимоячининг, жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш босқичидаги иштироки ишни кейинги йўналиши тўғрисида, қўшимча далилларни талаб қилиш тўғрисида, эҳтиёт чорасини ўзгартириш ва бошқа масалалар тўғрисида талабнома ва судга илтимоснома билан чекланади.

Амалиётда эса судда ҳимоячилар томонидан бу босқичда камдан-кам илтимоснома билдирилади. Агар ҳимоячи дастлабки терговда қатнашган бўлса, у жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш босқичида маълум талабнома келтириши мумкин ёки терговчи томонидан рад этилган талабномани шу босқичда қайтадан билдирса бўлади. Лекин иш материаллари билан танишиб чиқмаган, дастлабки терговда умуман қатнашмаган, жиноят

ишини судга юборишдан ва судда кўришга тайёрлашдан бехабар бўлган ҳимоячи қандай қилиб бу босқичда иштирок этсин.

Жиноят ишини судга юбориша прокурор ёки унинг ўринбосари, айбланувчи, унинг ҳимоячиси терговчига нисбатан жиноят ишини уларнинг берган илтимосномаларини рад қилиш тўғрисидаги қарорига биноан тузилган шикоятномани кўриб чиқмасдан судга юбормайди. Айлов хулосасини тасдиқлашдан сўнг келиб тушган барча илтимослар ва шикоятлар судга иш билан бирга суд мажлисида мазмунан текшириш ва ҳал этиш учун юборилади. Агар иш бўйича прокурорга келиб тушган барча илтимослар ва шикоятлар судга юборилмаса, у ҳолда ЖПКнинг 388-моддаси 1-қисмида қайд этилган талаб бузилган деб ҳисобланади. Ҳимоячи бу босқичда мана шу ҳолатларга ўз эътиборини қаратиши лозим.

Ҳимоячи жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш вактида иш материалларидан айловнинг баъзи ёки барча пунктлари юзасидан далиллар тўлиқ эмаслиги ёки йўқлигини аниқласа, қўшимча далилларни йифиш ёки ишни дастлабки терговга ошириш, айловнинг маълум пунктларини чиқариш тўғрисида илтимосномалар келтириши мумкин.

Ҳимоячи, шунингдек судланувчи содир этган ҳаракатларига нисбатан ЖКнинг моддаси тўғри қўлланилишига, айлов хулосаси ЖПК талабларига мувофиқ тузилганлигига, эҳтиёт чораси тўғри танланганлигига эътибор бериши лозим.

ЖПКнинг 241-моддасига асосан, агар шахсга нисбатан дастлабки тергов ёки суд мухокамаси жараёнида эҳтиёт чораси қўлланилган бўлса, бу шахс, ўзига нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси устидан шикоят қилиш ҳукуқига эга. Прокурор ёки юқори суд шикоятни уч кун муддат ичida ўрганиб чиқиб, ўз қарори тўғрисида шахсни хабардор қилиши керак.

Амалиётда эҳтиёт чораси сифатида кўпгина ҳолларда муайян ҳулқ атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат, қамоқ ва вояга етмаганларни кўзатув остига олиш учун топшириш тариқасида эҳтиёт чораси танланади.

Жиноят процессуал ҳуқуқта гаров айбланувчи (судланувчи) ва гаров берувчининг розилиги билан қўлланилади²³. Айбланувчи еки судланувчини қамамаслик ёинки қамоқдан озод қилиш шарти сифатида гаров сўнгги ўн йилликлар давомида тобора тез-тез қвлланаётган эҳтиет чорасидир²⁴. Айбланувчининг мулкий аҳволидан келиб чиқиб, гаров тариқасида эҳтиёт чорасини танлашни амалиётда кенгроқ жорий қилиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ҳимоячи томонидан бу босқичда маҳорат билан ўз вақтида келтирилган илтимоснома, жиноят ишини судда кўриш учун тайинлашда кўриб чиқиладиган масалаларни тўғри ҳал қилишда муҳим роль ўйнайди.

Лекин ҳимоячининг бу босқичда пассив иштирок этишининг объектив сабаблари ҳам бор:

биринчидан, жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш тўғрисидаги қарор чиқарилгандан сўнг иш материаллари билан танишиб чиқиши мумкин.

иккинчидан, суд судда ишни кўриш учун тайинлаш чоғида ҳимоячини суд муҳокамасига чиқариш масаласини ҳал қиласди (ЖПКнинг 396-моддаси). Судда жиноят ишини кўриш учун тайинлаш босқичида ҳимоячини чиқариш мажбурияти белгиланмаган.

Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш босқичида ҳимоячининг иштироки бўйича юридик адабиётларда²⁵ турли фикрлар берилган. Ишни судда кўриш учун тайинлаш босқичда ҳимоячи иштироки мажбурий бўлган ҳолатларни ишлаб чиқиш керак деган фикрга²⁶ кўшиламиз.

Ҳимоячи иш материаллари билан судда кўриш учун тайинлаш тўғрисида қарор қилингунга қадар танишиш имкони берилса, судда кўриш

²³ Шаповалова Г. И. Залог – как мера пресечения: Автореф. дисс.. канд. юрид. наук. – Красноярск: 2001. – 21 б.

²⁴ Тўлаганова Г.З. Жиноят процессида эҳтиет чораларининг қўллашнинг муаммолари: Монография. - Т.: Адолат, 2005. - 53-бет.

²⁵ Надёжий А.И. Сашёдие а байёйи тюбюйи. О., «Узбакистон», 1971; Ноадиёнёвэе Р.Е. Ададиё а байёйи тюбюйи. О., 1989; Кучерена А.Г. Адвокатура: Учебник. – М.: Юристъ, 2005; Коллектив авторов Адвокатская деятельность в Республике Узбекистан. /Отв. Ред. М.Х. Рустамбаев, Л.Б. Хван; - Т.: Консайдитинформ, 2007.

²⁶ Надёжий А.И. Сашёдие а байёйи тюбюйи. О., «Узбакистон», 1971., 115-аҳо.

учун тайинлаш мажлисида рухсат берилса, шахсан иштирок этса, иш материаллари юзасидан тушунтириш берса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Хуроса қилиб айтганда, ҳимоячининг бу босқичдаги иштироки, суд мажлисида етарли асослар бўлган ишларни кўриб чиқишида ва одил судловни амалга оширишда жуда катта таъсирини кўрсатади. Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш–жиноят процессининг мустақил босқичларидан биридир.

2-§. Жиноят иши бўйича исботлашда ҳимоячининг иштироки

Ҳимоячи фаолиятидаги етакчи қоида бу судланувчининг ҳали айбор эмаслигидир. Бу қоида қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган: «Судланувчи унинг жиноят содир этишда айборлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунча ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунча қадар айбсиз ҳисобланади».

Фақат суд ўз ҳукми билан шахсни айбор деб топиши мумкин, бироқ, инсонни жиноятчи деб топиб, унга жиноятчиларга бўлган муносабатда бўлишдан олдин судланувчига айбловдан ҳимояланиш учун барча имкониятлар берилиши керак.

Жиноят процессуал қонунчилиги бўйича судда исботлаш мажбурияти кўпроқ прокурордадир. қонун судланувчини исботлаш процессида иштирок этишга кўрсатма беришга мажбурламайди.

Судланувчини кўрсатма беришга мажбур этиш, унинг ўз айбини тан олмагани учун жазони оғирлаштириш қонунни жиддий бузиш ҳисобланади. Судланувчи ўзининг айби йўқлиги ёки айби йўқлиги ҳақида далилларни тақдим қилишга мажбур эмас, балки ҳуқуқидир. қонун «судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмас» деб исботлаш мажбуриятини унга юклашни таъқиqlайди.

Агарда «судланувчи далилларни тақдим қилишга ҳақли» бўлиб, ўзининг айбсизлигини ёки айби енгилроқ эканлигини исботлаб бериши шарт

бўлмаса, аксинча, ҳимоячи «айбловни рад этадиган ёхуд жавобгарликни енгиллаштирадиган ҳолатларни аниқлаш учун қонунда назарда тутилган барча восита ва усусларни қўллаши шарт».

Ҳимоячи, айбловни қувватлаш учун тақдим этилган, далилларни етарли эмас деб исботлар экан, бу билан у ўз ҳимояси остидаги шахсга эълон қилинган айбловни рад этади. Айни пайтда прокурор ва ҳимоячи суд мухокамасида бир хил ҳолатда бўлади. Прокурорнинг айбловдан воз кечиши судланувчини оқлашга асос бўла олмайди. Шунингдек, ҳимоячи томонидан ҳам айбловни рад қилувчи далилларни тақдим қилинмаслиги ёки етказиб берилмаслиги судланувчининг айбдор деб тан олинишига олиб келмайди.

Ҳақиқатни аниқлаш бюросида қонун талабларидан ҳимоячининг процессуал ҳолатидан келиб чиқиб шундай хулоса чиқариш лозимки, ҳимоячи томонидан ҳимоя бўйича ўз вазифаларини лозим даражада бажарилмаслиги судланувчи учун ёмон оқибатга олиб келмаслиги керак. Гарчи ҳимоячи айбловни рад этувчи далилларни ҳамда судланувчининг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ҳолатларни исботлаб бера олмаса, бу ҳолат терговчи, прокурор ёки судни «судланувчи (айбланувчи)нинг оқловчи ёки жавобгарлигини енгиллаштирувчи ҳолатларни» аниқлашдан озод этмайди.

Судланувчини айбини тасдиқловчи далиллар бўлмаса, прокурор ҳам уни фош эта олмаса судланувчи оқланиши лозим. Ҳимоячининг бу йўналишдаги ҳаракатлари одил судлов учун катта аҳамиятга эга.

Шундай ҳолатлар ҳам бўлиб турадики, ҳимоячи ихтиёрида умуман далиллар бўлмаслиги мумкин. Аммо прокурор судланувчининг айбдорлигини исботлаш мажбурияти ҳисобланади.

Суднинг айблов ҳукми ишончли далилларга асосланган бўлиши лозим, ишдаги барча тисмоллар (версиялар) текширилган ва ундаш қарама-каршиликлар бартараф қилинган ва тўғри баҳоланганди бўлиши лозим.

Айбдорликга оид барча шубҳалар, уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши

лозим. Шундай қилиб судланувчининг айби ишончли далиллар билан исботланган бўлиши керак, чунки, судланувчининг айбини исботланмаслиги унинг айбизлигидан далолатдир. Шунинг учун ҳимоячи айлов исботланмаган ҳолатларда ишни тугатишни, судланувчини оқлашни талаб қилиши лозим.

Жиноят процессининг вазифаларини бажаришдаги катта ва муҳим роль ҳимоячига тегишлидир. У ҳар доим жиноий таъқиб тахминларга эмас, балки шубҳасиз аниқланган фактларга таянишини ёдда тутиши лозим.

Шунинг учун ҳимоячи томонидан оқловчи далилларни ва айлов материалидаги шубҳали ҳолатларни синчковлик билан аниқлаши жиддий аҳамиятга эга. Ҳимоячи эҳтимол тутилган суд хатосини бартараф этиши лозим. Ҳимоячи томонидан айловнинг камчилиги ва шубҳали ҳолатларини аниқлаш ҳақиқатни ўрганишга ёрдам беради. Чунки бундай шубҳаларни суд (судья) тан олиши мумкин ва судланувчи оқланади. Бинобарин, у ҳолатда ҳимоячининг шубҳалари одил судловни амалга оширишга ёрдам беради. «Жиддий ва қатъий тузилган ҳимоя одил судловга зарар етказади деб ҳисоблаш жуда катта хатодир. Агар айлов ҳақиқатдан ҳам асосланган, тўғри ва қонуний бўлса ҳимоя билан бўлган курашда енгади. Агарда бундай бўлмаса, ҳимоя асоссиз келтирилган айловни рад қилиш учун ердам беради ва бу одил судловга хизмат қиласди»²⁷-деб таъкидлайди М.С.Строгович.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳимоячи иш материаларида тахминларга ва фактларга таяниши керак.

қонун процессида тахминлар бўлмаслигини эътироф этади, бироқ бундай тахминлар судланувчи фойдасига ҳал қилинади. «Тахминлар асосида судланувчининг аҳволини енгиллаштирувчи қуйидаги ҳолатлар аниқланиши мумкин:

айловни тўлиқ ёки қисман рад этувчи ҳолатлар;

судланувчи хатти-ҳаракатларини қонун бўйича енгилроқ жиноятга қайта квалификация қилишга асос бўлувчи ҳолатлар;

²⁷ Ҷ.Н. Оқибатов. Тадқиқотнинг ҳимоячи таъкидлари. Ўзбекистон юридик маданияти. 1991. № 137-аъ. 1991. № 137-аъ.

судланувчининг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ёки истисно қилувчи ҳолатлар».

Жиноят иши бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатлар ЖПКнинг 82-моддасида кўрсатилган. Аммо бунда санаб ўтилган ҳолатларнинг барчаси ҳам ҳимоячи томонидан исботланавермайди.

Масалан, ҳимоячи ҳеч качон ўз ҳимояси остидаги шахсни жиноят содир этганлигини исботлаб беришга ҳақли эмас, яъни у судланувчи томонидан тан олинмаган айловга рози бўлмаслиги керак. Ҳимоячи содир этилган жиноятга судланувчининг дахли йўқлиги ёки унга қўйилган айлов асоссиз эканлигини исботлашга ўриниши лозим. Ҳимоячи исботлаши лозим бўлган ҳолатлар доирасига судланувчи жавобгарлигини истисно қилувчи ёки енгиллаштирувчи ҳолатлар киради.

Ҳимоячи, хусусан, судланувчи томонидан тан олинган жиноятнинг субъектив томонини ташкил этувчи фактларни кўриб чиқиши керак. Ҳимоячи, агарда жиноятни мотиви ва мақсади судланувчининг жавобгарлигини истисно қиласди ишни енгиллаштиради деган хulosага келса ўрганиб чиқади (ЖПКнинг 82-моддаси 4-банди).

ЖПКнинг 82-моддаси жиноий жавобгарликни истисно қилувчи ҳолатлар кўрсатилмаган. «Аммо ишни тўғри ҳал қилиш учун уларни аниқлаб олиш лозим. Жиноий жавобгарликни истисно қилувчи ҳолатларга куйидагилар киради: 1)қилмишнинг иштимоий хавотирлилигини истисно қилувчи ҳолатлар (зарурий мудофао, охирги зарурат); 2)жиноят содир этган шахсни жавобгарликка тортилишини истисно қилувчи ҳолатлар (ақли норасолик, тегишли ёшга етмаганлик); 3)қилмишнинг ҳам ахамиятлилигини тасдиқловчи ҳолатлар; 4)жазо қўллашни истисно қилувчи ҳолатлар (амнистия, муддат ўтиб кетганлик); 5)жиноий жазо чораларини тарбия чоралари билан алмаштиришга асос бўлувчи ҳолатлар; 6)вазият ўзгарганлиги муносабати билан ишни тугатишга олиб келган ҳолатлар».

Ҳимоячи томонидан исботланиши лозим бўлган ҳолатларга ЖПКнинг 82-моддасида санаб ўтилганлардан ташқари бошқа ҳолатлар ҳам киради.

Масалан, вояга етмаганлар иши бўйича ҳимоячи вояга етмаганнинг яшаш шароити ва тарбияланиши, катта ёшдаги далолатчиларнинг мавжудлиги, унинг ақлий ривожланганлиги эффектив ҳимояни ташкил этиш учун ёрдам беради.

Ҳимоячи судланувчи томонидан тан олинган тақдирда жиноят содир этилишига сабаб бўлувчи шарт-шароитларни ҳам ўрганиб чиқади. Ҳимоячи томонидан тўпланган далилларнинг тўгрилигини эътироф этиш учун унинг ишончлилигини текшириш лозим. Шунинг учун ҳимоячи томонидан илтимосномада келтирилган ҳолатларнинг ишончлилиги тегишли тартибда текширилиши лозим.

Агар исботлаш предметининг чегараси ҳимоячи жиноят иши бўйича нимани исботлаш керак деган саволга жавоб берса, исботлаш доираси унинг ҳимоя доирасини белгилаб беради.

Суриштирувчи терговчи прокурор ва суд жиноят содир этган шахсни фош этиши ва жиноий жавобгарликка тортилган шахснинг айбини исботлаб беришга мажбур.

Ҳимоячининг вазифаси эса тарроқ. У ишни тугатишни ёки судланувчини оқлашни сураб илтимос қилишга ҳақли. Ундан ташқари ҳимоячининг исботлаш доирасига жиноят содир этган бошқа шахсни аниқлаш ва уни айборлигини исботлаш кирмайди. Ҳимоячи иш давомида суд (судья) эътиборини ишнинг барча ҳолатларига эмас, балки судланувчи жавобгарлигини истисно этувчи ёки енгиллаштирувчи ҳолатларга қаратади. Бироқ баъзида бу ҳисобга (эътиборига) олинмайди. Масалан, И.Владимировнинг таъкидлашича, «ҳимоячи вояга етмаган шахс ишлаган ёки укиган жойдан жамоат вакилини ёки маъмуриятни судга чақириш ҳақида ҳар доим илтимоснома билан мурожаат қилиши шарт. Бу жиноятларни профилактика қилишга ва жиноятнинг конкрет сабабларини аниқлашга ёрдам беради». «Албатта, ҳимоячи ҳар доим ҳам жиноятларни содир этилишига олиб келувчи сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаши лозим. Аммо бу ҳимоячи «ҳар доим илтимоснома билан мурожаат қилишга мажбур»

дегани эмас. Агарда судланувчи ўзини ўқиш ёки иш жоида салбий тутган бўлса, ҳимояи илтимосномаси билан чақирилган шахслар судланувчи борасида салбий фикр билдириб, оғирроқ жазо берилишини сўраши мумкин. Шунинг учун ҳимоячи ҳар доим ҳам бундай илтимоснома билан мурожат қилиши шарт эмас»²⁸.

қонун муайян турдаги далил манбаидан фойдаланишни таъкидлайди. Шунинг учун ҳимоячи фаолиятида далилларнинг мақбуллилиги ҳакидаги қоида жиддий ўрин тутади.

Текширишнинг имкони бўлмаган далил манбаи номақбул ҳисобланади (аноним хатлар, мишмишлар). Ундан ташқари «гувоҳ томонидан берилаётган фактик маълумотлар, агар уларнинг қайси манбадан олинганигини гувоҳ кўрсата олмаса, далил кучга эга бўлмайди». Шунингдек, процессуал қонунни жиддий бузиш (далиллар тўплаш тартибини бегиловчи нормалар) далилларни номақбул бўлишига сабаб бўлади. Бу эса оғир оқибатида ҳукмни бекор бўлишига олиб келади.

Иш бўйича ҳакиқатни аниқлаш ва шахснинг айблилиги ёки айбизлиги тўғрисида асослантирилган қарор чиқариш учун сифатли ва мақбул далиллар тўпланиши керак. Ҳимояни амалга ошираётган ҳимоячи зарур ҳолларда далил қайси йўл билан олинганини аниқлаши лозим. Агар далил ноқонуний йўл билан олинган бўлса ҳимоячи ундан фойдаланишга қарши чиқиши, эътиroz билдириши лозим.

қонун судланувчи ва унинг ҳимоячисига нафакат далилларни тақдим қилиш ҳуқуқини, балки судга бу ҳуқуқдан фойдаланиш имкониятини яратиб бериш мажбуриятини ҳам юклайди.

Одатда судланувчи ва ҳимоячи далилларни тақдим қилиш бўйича ўз ҳуқуқини судда далилларни тўплаш тўғрисида илтимоснома билан мурожат этиш орқали тадбиқ қиласи ва бундай йўл ҳимояланиш ҳуқуқини тадбиқ қилиш муҳим аҳамият касб этишлигини кўрсатади. Ундан ташқари ҳимоячи

²⁸ Аёаёеёдїа. Э. Ҷащёа ўз ҳимоячи ҳакиқатни тақдим қилиш бўйича ўз ҳуқуқини судда далилларни тўплаш тўғрисида илтимоснома билан мурожат этиш орқали тадбиқ қиласи ва бундай йўл ҳимояланиш ҳуқуқини тадбиқ қилиш муҳим аҳамият касб этишлигини кўрсатади. Ундан ташқари ҳимоячи

томонидан адвокатлар коллегияси орқали маълумотларни талаб қилиб олиш муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, ҳимоячи томонидан бевосита далилларни тўплаш ҳам аҳамиятга моликдир.

қонун бўйича (53-модда) ҳимоячи далилларни тақдим қилиш ҳукуқига эга. Бироқ ЖПКда ҳимоячи қандай усулда далилларни тўплаш ҳақида сўз юритилмаган.

Айрим ҳолларда ҳимоячига далилларни тўплаш ва иш юзасида маълум маълуматни тақдим этиш имкониятига эга бўлган шахс билан суҳбат қилишига рухсат бериш, унга иш бўйича терговчини текшириб қўйиш билан баробардир деб хисоблашади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ҳимоячининг далилларни тўплаш ва тақдим қилиши суд олдида илтимосномалар келтириш, юридик маслаҳатхона орқали маълумотлар олиш, шахсан далилларни қидириш орқали амалга оширилади.

3-§. Суд муҳокамасида ҳимоячининг иштироки

Суд муҳокамасида ҳимоячининг иштироки ҳимоячининг суд муҳокамасининг тайёрлов қисмида иштирок этишдан бошланади.

Суд муҳокамасининг тайёрлов қисми жиноят процессида муҳим ўрин эгаллайди, чунки унинг тўғри ташкил этилиши суд муҳокамасига таъсир этади. Бундан ҳимоячини суд муҳокамасининг бу босқичида фаол иштирок этиши лозим деган хулоса келиб чиқади.

Дастлаб ҳимоячи бу босқичда бажарилиши лозим бўлган процессуал ҳаракатларни зийрак билан қузатиши лозим. У шахсан суд муҳокамасини очилишида суд таркиби тўлиқлигини, суд залига чақирилиши лозим бўлган шахсларнинг келган-келмаганлигини аниқлаши лозим, чунки буларсиз суд муҳокамасини бошлашнинг имкони йўқ. Ҳимоячи айниқса гувоҳлар ва экспертларни келган-келмаганлигини шахсан аниқлаши шарт, чунки уларнинг кўрсатмалари жиноят иши бўйича муҳим аҳамиятга эга. Агар

чақирилган шахсларни судга келган-келмаганлигини текшириш давомида улардан бирортаси келмаганлиги аниқланса ҳимоячи ишни давом эттириш ёки уларни келтиришга таъминлашга қадар ишни тўхтатиб туриш юзасидан судга ўз фикрини билдиради.

Раислик қилувчи таржимонга унинг мажбуриятларини тушунтирас экан, ҳимоячи бу тушунтиришлар аниқ ва атрофлича бўлишини ва қасддан нотўғри таржима қилгани учун огоҳлантирилганини текшириши лозим.

Таржимоннинг тўлиқлиги иш юритишни тўғри олиб бориш ва судланувчини ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳимоячи иш юритилаётган тилни билиши мақсадга мувофиқдир. Бунда шуни назарда тўтиш керакки, таржимон ишнинг бошидан иштирок этиши керак. Акс ҳолда судланувчининг асосий кафолатларидан бири ҳисобланган иш юритиладиган тил принципи бузилади.

Ҳимоячи гувоҳларнинг қўрсатувлари ўта муҳимлигини унутмаслиги лозим ва шунинг учун гувоҳлар суд залидан чиқарилиши ва қўрсатма берган гувоҳлар кўрсатма бермаган гувоҳлар билан сўзлашмаслиги керак.

Суд муҳокамаси тайёрлов қисмининг муҳим жиҳатларидан бири судланувчи шахсини аниқлаш ва унга айблов хулосасининг нусхасини топшириш ҳисобланади.

Агар судланувчи суд муҳокамасига ишни унинг иштирокисиз кўриб чиқиши ёки ишни тўхтатиб туриш масаласи кўтарилади, шунингдек танланган чорасини ўзгартириш масаласи кўтарилиши мумкин. Бу ерда шуни таъкидлаш лозимки, ҳимоячи бундай масалалар юзасидан қандай фикр билдирамасин, улар асослантирилиши лозим. Яъни нима сабабдан судланувчи суд муҳокамасида иштирок этмаётганлиги ҳимоячи томонидан судга тушунтирилиши лозим. Ҳимоячи, шунингдек суд муҳокамасининг тайёрлов қисмида айблов хулосаси ва бошқа хужжатлар ўз вактида судланувчига текширилганлиги, унда агар таржималар мавжуд бўлса тўлиқ ва аниқлилигига ўз аҳамиятини қаратиши керак.

Шуни ҳам эсда тўтиш лозимки, агар юқоридаги ҳаракатларни содир қилишда жиноят процессуал қонун бузилган бўлса, ҳукм бекор қилинишига олиб келиши мумкин. Ҳудди шу қоидалар иш юқори инстанцияда кўриб чиқилишида ҳам инобатга олинади.

Судланувчи хуқуқларининг кафолатларидан бири бу ишни кўришда қонуний суд таркиби тузилганлиги ва судланувчининг суд таркибига рад бериши (отвод) ҳисобланади. Аммо бу ерда шуни назарда тутиш керак. Ҳар қандай рад этишлар асосланган бўлиши лозим. Ҳар бир рад бериши (отвод) суд муҳокамаси бошлангунга қадар билдирилиши лозим.

Биринчи инстанция судида ҳимоячининг иштироки ҳақида сўз кетар экан, бунда ҳимоячининг суд терговидаги иштирокини ёритиш мақсадга мувофиқдир.

Суд тергови, суд муҳокамасининг марказий қисми бўлиб, унда далиллар тўлиқ, танқидий, объектив ва ҳар томонлама текширилади.

«ЖПКга мувофиқ суд тергови айблов хulosасини ўқиб эшиттириш билан бошланади». Лекин шуни назарда тутиш керакки, айблов хulosasi тўлиқлигига ва иштирокчилар тушуниши учун аниқ ўқилиши керак.

Агар суд судланувчини эълон қилинган айблов хulosасининг мазмун-мохияти тушунарли-тушунарли эмаслиги ҳақида сўраса, ҳимоячи судланувчи ўзини нимада айбланаётганлигини билиш—билмаслигини кузатиши керак.

Суд терговчининг бошлашдаги муҳим элемент бўлиб, судланувчининг эълон қилинган айбловга муносабатини аниқлаш ҳисобланади. Судланувчи ўзининг айбдор деб топиш масаласига тўлиқ қарши ёки уни тан олиши ёхуд қисман тан олиши мумкин. Бу масалага (саволга) берилган жавобга қараб, судланувчининг позицияси, ҳимоячининг фаолияти белгиланади. Ундан ташқари, суд тергови ва суд муҳокамасининг доирасида шунга боғлиқдир.

Шунинг учун ҳимоячи судланувчига «эълон қилинган айбловда ўзингизни айбдор деб ҳисоблайсизми?» деган саволга бефарқ бўла олмайди. Шуни таъкидлаб ўтиш керак амалиётда судьялар бу саволга «ҳа» ёки «йўқ» тарзида тез ва қисқа жавоб беришни талаб қилиб судланувчига таъзиқ

ўтказадилар. Бундай талаб судланувчига ўз жавоб беришига халақит бериши мумкин.

Бундай вазиятларда химоячи судланувчи эркини синдирувчи уринишларга жиддий эътиroz билдириши лозим.

Агар судланувчи қўйилган саволга тушунарли қилиб жавоб беради олмаса, химоячи бундай ҳолатда судланувчига айловни тўлиқ ёки қисман тан олиш-олмаслиги хақида аниқлаштирувчи саволлар бериши мумкин. Шундай ҳолатлар бўлиб турадики, судланувчи химоячи кутмаган жавобни бераб қўяди ва бу химоя режасини ҳамда позициясини ўзгартиришга олиб келади.

Лекин шунга қарамасдан, химоячи керакли жавобни олиш учун судланувчига таъзиқ ҳолатда химоячи судланувчини тўғри гапиришга ундаши ва айби бўлса уни тўлиқ рад этмаслигини тушунтириши керак.

Шу билан бирга, кўп ҳолатларда судланувчи айбни бўйнига олиш хақидаги саволга асослантирилган равишда у ёки бу мотивни (вазиятни) тушунтиришга ҳаракат қиласди²⁹. Бундай ҳолатда химоячи судланувчининг хоҳишига кўра суддан у ёки бу мотивни келтириб ўтишини талаб қилиши мумкин. Бу мотивировка дастлабки сўроққа айланиб кетиши керак эмас. Унинг мақсади-судланувчи томонидан айбни тўлиқ ёки қисман тан олиш ёхуд рад этиш сабабларини тушунтиришдир.

Суд судланувчининг айбни тан олиш ёки олмаслигини сўраб олгач, прокурорни, жамоат айловчисини, судланувчини, химоячини ва бошқа процесс иштирокчиларини тинглайди. Эшитиш белгиланган кетма-кетлик асосида ўтказилиб, текширилиши лозим бўлган далиллар тартибини ошириш билан белгилайди.

Кетма-кетлик асосида текширилган далиллар суд тергови учун муҳим аҳамиятга эга.

²⁹ Усманов Ш. Общность позиции защитника и подзащитного // Адвокат. – 2006. – С. 43.

- № 6(25).

Хар бир жиноят иши бўйича далилларни текширишни нимадан бошлаш, суд терговини қандай ташкил этиш, далилларни қайси тартибда ўрганиш, сўроқни юритиш масаласига бефарқ бўлмаслик керак.

Шунинг учун жиноят процессуал қонуни суд терговини қандай ташкил этиш борасидаги процесс иштирокчиларнинг фикрини инобатга олишни белгилайди, чунки бу ерда прокурор ва ҳимоячи ҳамда бошқа процесс иштирокчилари ўртасида принципial қарама-қаршиликлар бўлиши мумкин. Масалан, судланувчи жиноят содир этганликни рад этмоқда, бироқ дастлабки тергов материалларидан судланувчига айлов эълон қилиш учун жиддий сабаб борлиги кўриниши мумкин. Ундан ташқари, ишда судланувчининг айбордорлигини тасдиқловчи гувоҳларнинг қўрсатмалари бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда прокурор дастлаб гувоҳларни сўнг судланувчини сўроқ қилишни талаб қилиши мумкин.

Судланувчининг бу борадаги фикри ўзгача бўлиши мумкин. У гувоҳларни сўроқ қилишдан олдин, иш ҳолатлари билан судни якиндан танишириш мақсадида сўроқни ўзидан бошлаш тарафдоридир. Ҳимоя баъзи ҳолларда далилларни ўрганишда шу тартибни ёқлаб чиқиши мумкин.

Агар булар бўйича тарафлар ўртасида келишмовчилик бўлса, улар ёзма ёки оғзаки равиша далилларни текшириш тартиби ҳақида ўз фикрларини судга билдириши мумкин ва бу суд баённомасига киритилади ва олаҳида ажрим билан расмийлаштиради.

Барча ҳолларда ҳимоячи ҳимоянинг самарадорлигини сусайтиромайдиган далилларни текшириш тартибини ишлаб чиқиши керак. Ҳимоячи зарур ҳолларда далил қайси йўл билан олингандигини аниқлаши зарур.³⁰ Агар далил ноқонуний йўл билан олинган бўлса, ҳимоячи ундан фойдаланишга қарши чиқиши, эътиroz билдириши лозим.

Барча далиллар кўриб чиқилгандан сўнг раислик қилувчи суд терговини яна нима билан тўлдиришни хоҳлаши ҳақида қораловчини,

³⁰ Тўллаганова Г.З. Жиноят процессида ўимоячининг иштироки. Ўкув қўлланма. - Т.: ТДЮИ, 2005. - 93-бет.

судланувчини, ҳимоячини ва бошқа иштирокчиларни сўраб чиқади. Агар унга қўшимчалар киритиш хақида илтимосномалар мавжуд бўлса суд бу илтимосномаларни муҳокама қилиб ҳал қиласди.

Илтимосномаларни ҳал қилгач ва бошқа суд ҳаракатларини бажаргач раислик қилувчи суд тергови тугаганлигини эълон қиласди.

Суд терговининг якунловчи қисмидаги ҳимоячининг иштирок этиши ва қўшимча далилларни текшириш бўйича илтимосномаларни киритишида муҳим аҳамиятга эга.

Суд терговини тўлдириш деганда суд процесси иштирокчиларига қўшимча саволлар бериш, турли хил аризалар билан судга мурожаат қилиш, қўшимча тушунтиришлар олиш, судга маълум қилиниши лозим бўлган бошқа хужжатлар ва материалларни тақдим қилиш назарда тутилади.

Суд терговига тўлдиришлар аксарият ҳолларда илтимосномалар бериш, ишга қўшиб қўшимча гувоҳларни чақириши, экспертизалар, кўздан кечиришлар ўтказиш ва бошқа тергов ҳаракатлари, узрли сабабларга кўра судга кела олмаган гувоҳларни берган кўрсатмаларининг баённомаси, экспертиза хулосалари судланувчи шахсини тавсифловчи тавсифнома кўринишида бўлади.

Шундай қилиб, суд терговининг якунловчи қисми шундай муҳим процессуал момент ҳисобланадики, ундан сўнг процесс иштирокчилари уларни суд терговини қайта тиклаш ҳақидаги илтимосномаси қаноатлантирилса у ёки бу материаллар билан тўлдириши мумкин.

Ундан ташқари ҳимоячи процессининг бошқа иштирокчилари томонидан тақдим этилган қўшимча далилларга ҳам ўз фикрини билдириши керак.

Суд тергови тугаганидан сўнг суд қораловчи, жамоат айловчиси, фуқаролик жавобгар ва фуқаровий даъвогар ёки уларнинг вакиллари, ҳимоячи нутқларидан иборат бўлган музокарапарини бошлайди. Суд музокарапарида, шунингдек жамоат ҳимоячиси ҳам иштирок этиши мумкин.

Одатда суд музокараларида судланувчи иштирок этмайди, агарда ишда ҳимоячи сифатида адвокат иштирок этса. Баъзи процессуалист олимлар суд музокараларида жамоат ҳимоячиси иштирок этса ҳам судланувчининг иштироки мажбурий эмас деб таъкидлашади. Биз бу фикрга қўшила олмаймиз. Биринчидан, жамоат ҳимоячиси профессионал ҳимоячи-адвокатни ўрнини боса олмайди, чунки адвокат кўпроқ хуқуқка ва ҳимоя бўйича тажрибага эга. Иккинчидан, жамоат ҳимоячиси судланувчининг топшириги бўйича эмас, балки жамоат топшириғи бўйича ҳаракат қиласади.

Шундай ҳолатлар ҳам бўлиб турадики, ишда ҳам ҳимоячи ҳам жамоат ҳимоячиси иштирок этади. Бунда музокарада дастлаб ҳимоячи (адвокат) ўз нутқи билан чиқиши мақсадга мувофиқдир, чунки жамоат ҳимоячисининг ҳимоя позициясини тўғри англашга имкон беради.

Суд музокаралари–суд муҳокамаси босқичининг мустақил қисмидир. Унда иштирокчилар ўзларининг нутқлари, репликалари орқали суд терговида текширув ва тадқиқот предмети бўлган барча далилларни баҳолашади, анализ қиласадилар, ундан ташқари содир қилинган қилмишининг ижтимоий–сиёсий ва хуқуқий нуқтаи назардан қоралашади (ёки оқлашади), судланувчи шахсини тавсифлаш, эълон қилинган айловга ўз фикрини билдириш, у ёки бу жазони қўллаш ҳақида, жазодан озод қилиш ёки бутунлай оқлаш тўғрисида фикрлар билдиришади.

Ҳимоячининг ҳимоя нутқи³¹ суд музокараларида муҳим ўрин эгаллайди. Ҳимоячи ўзининг нутқига ишнинг бошланишидан (дастлабки терговидан) суд музокараларигача тайёрланиши лозим. Чунки ҳимоя нутқидаги муваффақиятлар ишнинг чуқур ва ҳар томонлама билишга, ҳимоя учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни аниқлашга, иш материалларини жиддий таҳлил қилишга, барча аргументларни мантиқий ва ҳуқуқий жиҳатдан текширишга, ишни тўғри ижтимоий–сиёсий баҳолашга боғлиқ бўлади.

³¹ Үеъиъ=еъеъа үеъиъ یо०=े үа=еъа әъеъеъа әаðаðаðаðа áаðаðаðа ðуððаðаðа үðеëаí.

4-§. Ҳимоя нутқи

Жиноят ишларини судда кўрилишида адвокат судланувчининг ҳимоячиси сифатида ҳимоя нутқи билан иштирок этса, жабрланувчининг фуқаровий даъвогарнинг, фуқаровий жавобгарнинг вакили сифатида эса уларнинг хукуқ ва қонуний манфаатларини ҳимояси нутқи билан чиқади. Судда далилларни текшириш ва унга баҳо бериш босқичида ҳимоячининг ҳимоя нутқи процессуал ва тарбиявий аҳамиятга эга.

Ҳимоя нутқи-бу ҳимоянинг мустақил ва муҳим воситаси бўлиб, унинг ёрдамида ишнинг ҳақиқий ҳолатлари чуқур анализ қилинади, судланувчининг шахси баҳоланади ва бу асосларда иш бўйича хulosа қилинади. Ҳимоя нутқида конкрет жиноят ишининг ижтимоий сиёсий аҳамияти тавсифланади, айлов асосига қўйилган далиллар таҳлил, содир этилган қилмиш хукукий таҳлил ва квалификация қилинади, судланувчининг шахси тавсифланади шунингдек жазога оид масалалар кўриб чиқилади ва ҳ.к.

Ҳимоя нутқини тузишда ҳимоячи процессуал ва моддий қонун талабларидан, иш ҳолатларидағи далилларнинг таҳлили ва баҳоланиши ички ишончига асосланади. Ҳимоячи жиноят процессида иштирок этар экан, у муҳим давлат аҳамиятига эга бўлган ижтимоий функцияни бажараётганлигини унутмаслиги керак. У жиноятни ҳимоя қила олмайди ва судланувчини ҳимоя қилиш билан бирга у содир этган қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини яширишга ҳам ҳаққи йўқ. Бундан ҳимоячидаги ҳимоя нутқида кўриб чиқилаётган ишни тўғри ижтимоий сиёсий баҳолаши мажбурияти келиб чиқади. Албатта, бундай қилиш ҳар доим ҳам осон эмас, чунки ҳимоячи жиноятни қоралиши билан бирга судланувчини ҳимоя қилиши лозим. Демак содир этилган қилмишни принципиал жиҳатдан баҳолаш ва айни пайтда судланувчининг хукуқ ва қонуний манфаатларини эффектив ҳимоя қилиш учун, у жуда яхши, ҳам сиёсий ҳам хукукий тайёргарлик кўриши керак.

Баъзи бир ҳимоячилар «иши ижтимоий-сиёсий баҳолаш буайбловчининг функциясидир» деб ҳисоблашади.³² Биз бундай фикрларга қўшила олмаймиз, чунки конкрет иши ижтимоий-сиёсий моҳияти ҳимоячи томонидан баҳоланмаса, унинг нутқини ҳам ижтимоий, ҳам тарбиявий аҳамияти йўқолади, чунки ҳимоячи нутқининг ижтимоий аҳамияти, унинг тарбиявий фаолияти, айнан ижтимоий сиёсий тавсифдан келиб чиқади.

Ишнинг ижтимоий-сиёсий тавсифи ҳимоя нутқининг бошқа қисмлари билан специфик боғланиши керак. Ҳимоя нутқининг сифатлилиги (самарадорлиги)ни белгиловчи далилларга унинг мақсадлилиги, асосланганлиги, бош ғоянинг мавжудлилиги ҳисобланади.

Нутқининг бошланғич қисми муҳим аҳамият касб этиб, ҳимоя даъволарини ривожлантиришга, асослантиришга замин яратади. Чунки бунда жиноят ходисаси ва мазмуни, ишнинг ижтимоий сиёсий аҳамияти, далилларнинг ўзига хослиги, айбловнинг асосий фактлари ва ҳ.к.ларни баён этади.

Ҳимоя нутқининг бошланғич қисмини тўғри танлаб, ҳимоячи иш бўйича текширилган далилларни ҳимоя нуқтаи назаридан таҳлил қилинадиган қисм, яъни нутқининг марказий қисмига ўз эътиборини қаратиб далилларни таҳлил қилиш асосида ўз ҳимоясидаги шахснинг айбизлиги ёки айблилик даражасини асослантиради, жиноятни квалификация қилиш ва тайинланиши мумкин бўлган жазо чоралари ҳакида ўз фикрини билдиради.

Ҳимоя нутқи мазмунан ва шаклан бир хил бўлиши, бир хил композицияга эга бўлиб, ҳимоя тезисларини кетма-кетлик асосида ривожлатириши лозим.³³

Ҳимоя нутқидаги ҳар бир савол, муаммо, иш бўйича комплекс тадқиқ этилаётган масала бўйича жойлашиши лозим. Иккинчи даражали ҳолатлар ишнинг асосий мазмун-моҳиятига халақит (таъсир) қилмаслиги керак. Бу фикрга биз тўлиқ қўшиламиз.

³² Ҷаъе нійа. аәâїәօଇା, Ҷାଇଧୀଏେ, ଲ୍କ., 1968. 8-бет.

³³ Ҷାଦେୟୀଯୀ ଅନ୍ତର୍ମାର୍ଥିକ ପରିଷରାଜ୍ୟା. ଓ., 1971. 160-ବେତ.

Ҳимоя нутқини тузишда ҳимоячи қонуний ва мантиқий қоидаларга асосланиши, фактларни, ўз эътиrozларини мантиқий нуқтаи назаридан билдириши, ишончли ҳаракат қилиши керак. Мантиқ қонун-қоидаларига риоя этилиб тузилган нутқ ўзида кетма-кетлик, асослантирилганлик, қарама-қаршиликларнинг йўқлиги, муайян ҳолатларнинг специфик боғлиқлиги ва ҳимоя фактларининг ишончлилигини акс эттиради.

Бундан ташқари, ҳимоя нутқини тузишда ҳимоячи ўз ҳимоясидаги шахснинг позицияси (нуқтаи назари) билан нутқ ўртасидаги муносабатларни тартибга солиши керак. Чунки амалиётда баъзи судланувчилар айбига иқор бўлиши, айни тўлиқ ёки қисман тан олмаслиги мумкин.³⁴ Бундай ҳолатларга эътибор бермаслик салбий оқибатларга олиб келади.

Ҳимоячи нутқининг самарадорлиги дастлаб, унинг асосига қўйилган далилларнинг қанчалик ишончлилигига боғлиқдир. Жиноят процессида далиллар назарияси ва исботлаш амалиёти муаммоларини чукур таҳлил этмай, шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, ҳимоя нутқида иш бўйича тўпланган ҳар қандай далиллар ва уларнинг манбаларини таҳлил қилиш имконияти мавжуддир. Айнан шу мақсадда ҳам нутқ тезисланган бўлиши лозим.

Ҳимоя нутқини тузишда ҳимоячи далилларни таҳлил этар экан, қўйидагиларга асосий эътиборини қаратиши лозим:

судланувчи хатти-ҳаракатларини тўғри баҳолаш (аниқлаш)и;

жиноят иштирокчиларини аниқлаши;

айб шаклини аниқлаши;

жавобгарликни истисно этувчи ёки енгиллаштирувчи ҳолатларни аниқлаши;

умуман ижтимоий хавфли қилмиш содир этилган-этилмаганлигини аниқлаши;

³⁴ Аó ïàñàëà áûéè÷à Андижон օàùàð æèííýò èøëàðè áûéè÷à ñóæíèíà 2003 éèë 15 февралàà ðó=àðî È.íèíà èøè êûðèëäàíà, ñóæíàíó÷è äàñðëàáè òåðäîâà ûç àéáèäà è=ðîð áûëäàí, áèðî= ñóä ìóùñèàìàñè æàðà, íèäà áàð÷à àéáëîâè ðàä ýðäàí. Аó ýñà ùèííý iñçèöèýñèíè ñàðîñèìà ñîëà =ûéèá êâëèøiñâ÷èëèëëàðà ìëèá êâëäàí. Андижон օàùàð æèííýò èøëàðè áûéè÷à ñóæíèíà 2003 éèë æîðèé àððèàëäàí.

агар у ёки бу қилмиш муайян судланувчи томонидан содир этилган бўлса, ушбу қилмишда жиноят таркиби бор-йўқлигини аниқлаш.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, ҳимоячи муайян бир нутқни тузар экан ва унинг асосига у ёки бу далилларни қўйиб таҳлил қиласр экан, ҳар доим ҳам конкрет жиноят ишидан келиб чиқиб бу масалаларни ҳал қиласди. Чунки ҳар бир жиноят иши ўзига хос бўлиб, бу бўйича штамп (бир хиллик) бўлиши мумкин эмас. Ҳимоячининг судланувчини оқлаш ёки айбини енгиллаштириш ҳақидаги хулосаси асосланган бўлиши лозим. Чунки, фақат шундагина ҳимоячининг иш бўйича хулосаси тўғри таъминланиши мумкин. Бу ерда, кейинчалик ҳимоячининг ҳар қандай тахминлар, гипотизалар, фикрномалар, умумий ва ягона баёнотлар суд томонидан мустаҳкамланса, тан олинса ишончли бўлиши мумкин ҳамда уларнинг ёрдамида айловнинг ҳар қандай тезисларини инкор этиши ва айлов фактларининг ишончлилигига шубҳа туғдирадиган масалалар кўтарилиши мумкин. Бундан ташқари, иш бўйича тўпланган ва судда мазмунан текширилган ишончли далилларга суюнган ҳолда ҳимоячи ўз ҳимоясидаги шахс хатти-ҳаракатларининг ҳукукий квалификациясини ҳимоя позициясидан асослантириб беради.³⁵

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкини, мантиқ қонун-қоидаларига асосланиб тузилган ҳимоя нутқи ҳар доим ҳам ижобий самарасини беради.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, жиноят иши бўйича ҳимоя нутқини тузишда жиноятнинг обьекти ва обьектив томони, субъекти ва субъектив томонини аниқлаш жуда мураккаб масала ҳисобланади. Чунки улар иш бўйича тўпланган барча далилларнинг комплекс тадқиқи натижасида таҳлил қилинади ва булар бўйича обьектив хулоса чиқарилиши лозим.

Жиноят ишини ҳар томонлама текшириб чиқиш учун жиноят содир этилган вақт, жой, усул ва методларини ва иш ҳолатларини тиклаш учун бошқа ҳолатларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Бу ўз навбатида ҳар бир

³⁵ Ёзиёдӣ Н.А. Аёйёд-њоаӯаёд юйиҳи ёёйиё ёёйиё. // Аёйёд-њоаӯаёд юйиҳи ёёйиё. - 1999. -¹ 1-2. -10-бет.

ҳолатни ҳимоя нутқининг марказида бўлишини талаб қиласди. Ҳимоя нутқида баъзан жиноятнинг объектив томонлари аниқ чегаралар билан ажиратилмайди ва оқибатда битта жиноий хатти-харакат учун бир неча жиноят белгиларини кўрсатишга ўринишиб одил судловни чалғитиб қўяди. Бу ҳимоячининг жиноят обьекти ҳақида аниқ тушунчага эга бўлмаслигидан келиб чиқади.

Баъзи бир ҳолларда ҳимоячи назаридан жиноят таркибининг муҳим бўлган элементлари, яъни жиноят субъекти (ақли норасолик, субъект ёши ва доираси, касби, судланганлиги) ва субъектив томони (қасддан содир этилиши, жиноий ўз-ўзига ишониш, жиноятнинг мотив ва мақсади)га аҳамият бермайди. Ваҳоланки айнан шу белгилар жиноятнинг оғир-енгиллигини белгилаб беради.

Ҳимоя нутқининг муҳим таркибий қисми бўлиб судланувчи шахсининг характеристикаси ҳисобланади, чунки айнан шу нарса суд томонидан ҳукм чиқарилишида биринчилар қаторида ҳисобга олинади. Бунда ҳимоячи ҳимоя позициясидан келиб чиқиб ўз ҳимоясидаги шахсни ҳар томонлама ва тўғри тавсифлашга киришади.

Шунинг учун ҳимоя нутқининг қайси қисмида шахсни тавсифлаш мақсадга мувофиқ деган савол туғилади. Баъзи бир олимларнинг фикрича, буни охирида қилган лозим.³⁶

Иккинчи гурух олимларнинг фикрича, айнан судланувчининг шахси билан ҳимоя нутқини мақсадга мувофиқдир.³⁷ Учинчиларнинг фикрича, шахс ҳақида жиноят таркибининг субъектив томонини мухокама қилинаётганда гапириш лозим.³⁸ Профессор Г.П.Саркисянцнинг фикрича, бу борада бирон бир рецепт бериш мумкин эмас, чунки ҳимоя нутқи ҳар бир конкрет жиноят иши ҳолатларидан келиб чиқиб тузилади. Бунда ишда мавжуд далиллар,

³⁶ Ñòåöîâñêèé Þ.Ì. Àäâîêàò à óäïëîâíì ñóäïðèçâîñòåâ. Ì., 1972., ñòð.76; Çèìàòóëèí Ç.Ç. Îáøåâ ïðíáëåìû íâåðéíÿåìû è çàøèòû íî óäïëîâíìîò äåëó. Èæåâñê-1989. 70-бет.

³⁷ Áîéêîâ À.À. Ýòèêà iðîôåññèäüíé çàщèðû íî óáîéîáíû î äåëàì. Ì., 1978. 45-бет; Íàòåèäíîì Å.À. Ñóääáíàÿ ðå÷ü. Íèíñê. 1972. 98-бет.

³⁸ Ôàòkóëëí Ô.Í., Çèìàòòëëí Ç.Ç., Ààòàò ß.Ñ. Îâàéíåíèå è çàщèòà iî óâïëïâíinì äåëàì. – Èàcàíü, 1976, 86-бет.

судланувчининг айловга муносабати, ҳимоячининг позицияси ва бошқа ҳолатлар ҳисобга олинади.³⁹

Бу фикрга биз ҳам тўлиқ кўшиламиз, чунки таҳлил қилинадиган далилларга қараб ҳимоячининг позицияси аниқланади ва шундан келиб чиқиб судланувчига тавсиф берилади. Бу ҳар бир алоҳида ишда ҳар хил тус олади.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, судланувчи шахсини тавсифлаш суд мажлисида ўтирганлар учун ва умуман жамоатчилик учун ҳамда судланувчи учун катта тарбиявий аҳамиятга эга. Шунинг учун судланувчи шахсини чуқур ўрганиб чиққан ҳимоячилар ҳимоя нутқини тузишда ва айлов даъволарини рад этишда унинг асосига ишончли далилларни қўяди. Бундан ташқари, вояга етмаган судланувчи ёки жисмоний ёхуд руҳий камчилиги бор шахсларни шахсини ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки кўп ҳолларда вояга етмаганларни жалб қилиб содир этиладиган жиноятларда ёки судланувчини визуал қўздан кечирганда унинг жисмоний ёхуд руҳий касаллигини билиб олиш мумкин эмас, ундан ташқари баъзи бир ота-оналар ўз фарзандларининг бундай камчилиги борлигини ҳар доим айтавермайди.⁴⁰ Фақатгина шахсини ўрганиб чиққандан кейин у ёки бу объектив хulosага келиш мумкин.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, судланувчи шахсини ҳимоя нутқида тавсифлаш жиноятни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитлар билан бирга таҳлил этилиши нуқтаи назардан баҳоланиши керак. Бу нарса ўз навбатида жазони индивидуализация қилишга, суд жараёнинг тарбиявий аҳамиятини кучайтиришга ҳамда жиноятларни профилактика қилишга муҳим восита ҳисобланади.

Ҳимоя нутқининг асосий қисмларидан бири бу—тайинланиши мумкин жазо чораси ҳамда судланувчини оқлаш ва фуқаровий даъво қўзғатиш хақидаги хулоасасидир. Чунки адолатли жазо тайинлаш жиноят қонунини

³⁹ Надёжный А.И. Частное право в судопроцессе. Тюмень, 1971.172-бет.

⁴⁰ Академия А.И. Ильинская А.Ильинская частное право в судопроцессе // Академия. -1999. - 14. -33-бет.

тўғри қўлланишининг ажралмас қисмидир. Муайян жазо тайинлашни тўғри танлаш ҳар доим ҳам иш ҳолатларини, яъни барча ҳукуқий ва фактик масалаларни тўғри ечиш, далилларни ҳамда судланувчи айбини оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларни ҳар томонлама ва объектив текширишга боғлиқдир.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, баъзи ҳимоячилар мантиқан йўл тутмайди, масалан, суд муҳокамаси жараёнида уларга ўз эътиrozларини билдириш шароити яратилиб берилса бундан фойдаланмай, охирги сўз берилганда асоссиз енгил жазо ёки умуман жавобгарликдан озод этишни сўрайдилар. Ҳимоячилар бундай қилиш учун дастлаб ўз талабларини асослаб бериши керак. Ҳимоячининг у ёки бу конкрет жазони тайинлаш ҳақидаги талаби ҳар доим ижобий натижага олиб келмаслиги мумкин. Сабаби қонун бўйича тайинланадиган жазонинг альтернативаси суд ички ишончи бўйича белгиланиши мумкин. Бунда ҳимоячи сўраган жазо оғирроқ ёки умуман енгил бўлиб қолиши мумкин.

Ундан ташқари ҳимоя нутқида фуқаролик даъвоси, уни асослантирувчи ашёвий далиллар ҳамда ушбу даъво бўйича жавобгар шахслар доираси ҳақида қайғуриш мазкур нутқни қанчали асослилигини, унинг жиддийлигини, фуқаролик-ҳукуқий аҳамиятини ҳам кўрсатади.

III -БОБ. ҲУКМЛАР, АЖРИМ ВА ҚАРОРЛАРНИНГ ҚОНУНИЙЛИГИ, АСОСЛИЛИГИ ВА АДОЛАТЛИЛИГИНИ ТЕКШИРИШДА ҲИМОЯЧИННИНГ ИШТИРОКИ

Ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширишнинг умумий шартлари 1994 йил 22 сентябрда қабул қилиниб, 1995 йил 1 апрелда кучга кирган Ўзбекистон Республикаси

Жиноят-процессуал кодексига янги 55-боб қилиб киритилган. Бу боб ўз ичига ЖПКнинг 478-моддаларини олади. Ҳукм ажрим ва қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширишнинг умумий шартларига қуйидагилар киради:

- Юқори инстанция судларининг қуи инстанция судлари фаолияти устидан назорат ва юқори суд кўрсатмаларининг мажбурийлиги;
- Суд қарорлари устидан шикоят бериш эркинлиги ва протест келтириш хуқуқи;
- Жиноят ишининг юқори суд томонидан кўрилишида прокурорнинг иштироки;
- қушимча материаллар тақдим этиш хуқуқи;
- Юқори судда жиноят ишини кўриш чегараси ва муддатлари;
- Ҳукмни бекор қилиш ёки ўзгартириш асослари;
- Жиноят ишини апелляция, кассация ёки назорат тарзида кўрувчи суднинг ваколатлари;
- Жазони кучайтириш ва оғирроқ жиноятга доир қонун моддаларининг қўлланишга йўл қуйилмаслиги;

Суд хукми, ажрми ва қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилиги, апелляция, кассация ва назорат тартибида текширилиши мумкин.

Апелляция судларининг жорий этилиши эса Жиноят процессида ҳукмларни қонунийли, асослантирилганлиги ва адолатлилигини текшириш босқичида муҳим ўзгаришларга сабаб бўлади. Шунга мувофиқ равища ЖПКнинг 76, 409, 473, 478, 479, 480, 481, 482, 483, 484, 490, 491, 493, 494, 495, 496, 497-моддаларига ўзгартиришлар киритилади ҳамда ЖПК 55-боб билан тўлдирилди.

Суд хукмининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш 2001 йил апрел ойида ЖПКга киритилган ўзгаришга кўра юкорида кўрсатиб ўтганимиздек, учта турда олиб борилади: апелляция, кассация ва назорат.

Апелляция тартибida суднинг қонуний кучга кирмаган хукмлари устидан берилган шикоят ёки протест асосида иш юритилади. Шикоят бериш ҳуқуқига маҳкум, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили, шунингдек жабрланувчи, унинг вакили хукмнинг фуқаровий даъвога дахлдор қисми устидан фуқаровий даъвогар фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари оқлов хукмлари устида оқланган шахс, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакили шикоят беришга ҳақли, тегишлилигига қараб ваколат берилган прокурор протест келтиради (ЖПКнинг 480-модда).

Жиноят-процессуал кодексининг 497²-моддасида кўрсатиб ўтилган шахслардан ҳар бири, процесснинг бошқа иштирокчилари апелляция шикояти берганлиги ёки бермаганлигидан қатъи назар, суд чиқарган хукм устидан мустақил равишда апелляция шикояти беришга ҳақлидир.

Судланувчи одатда хукмнинг фақат унинг ўзига тааллуқли қисми устидан шикоят беради. Бироқ, ишда судланувчилар ўртасида бир-бирига зид манфаатлар бўлса, бундай ҳолларда бир маҳкумнинг шикоятида бошқа маҳкумларнинг манфаатларига дахл этилиши мумкин. У.А.Тухташеванинг такъидлашича “битта маҳкум бошқа маҳкумнинг шикоятига, агар уларнинг манфаатлари ўртасида зиддият бўлса, ўз эътиrozларини бериши мумкин”⁴¹.

Ҳимоячи ҳуқуқларнинг мустақил субъекти бўлганлиги учун ҳам апелляция шикоятини у ўз ташаббуси билан беришга ҳақли. Прокурор қонуний ва асосли бўлмаган ҳар бир хукм устидан, хукм кимнинг манфаатини бузмасин, апелляция тартибida протест билдириши шарт.

Хукм устидан унинг бутун матни бўйича ҳам, муайян бир қисми бўйича ҳам шикоят берилиши ва протест билдирилиши мумкин. Ҳукмнинг шикоят берилиши ёки протест билдирилиши мумкин бўлмаган қисмининг ўзи йўқ. Ҳукмнинг фақат қарор қисми устидан шикоят бериш ёки протест билдириш деб ўйлаш хато. Тўғри, одатда ҳукмнинг айни шу қисмига, яъни жиноят тавсифи, жазо меъёри устидан шикоят ва протест кўпроқ берилади.

⁴¹ Тухташева У.А. Жиноят процессида апелляция: Йўзв =ылланмаси. / Ю.ф.д., проф. М.Ш.Рустамбаев ташрири остида. –Т.: ТДЮИ, 2004. – 17-бет.

Лекин шикоят ва протест хукмнинг кириш қисмига ҳам, тавсиф-асослантирувчи қисмига, айниқса хукмнинг асослари, айрим қоидалари, таърифлари ва шу кабиларга ҳам тааллуқли бўлиши мумкин.

Иш бўйича бир нечтадан судланувчи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгар бўлса, уларнинг ҳар бири мустақил равишида шикоят бериш хуқуқига эга. Улардан биронтасининг шикоят беришни рад этиши ёки берилган шикоятни қайтариб олиши бошқаларнинг ҳукм устидан шикоят беришига тўғаноқ бўлмайди. Ҳукм устидан шикоят, юқорида айтилганидек, унинг тўлиқ матни бўйича ҳам, ҳукмнинг муайян бир қисми, айтайлик судланувчилардан бирига тааллуқли қисми бўйича ёки судланувчи содир этган қилмишлардан бири бўйича, жиноятнинг тавсифи ёки жазо меъёри қисми бўйича, фуқаровий даъво қисми ёки ашёвий далиллар тақдири қисми бўйича ҳам берилиши мумкин. Ҳукмнинг муайян бир қисми бўйича шикоят берилиши апелляция инстанцияси учун умуман ҳукмнинг қонунийлиги ва асослилигини текшириш йўлига монелик қилмайди.

Жиноят-процессуал кодексининг 497²-моддаси фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари, шунингдек оқланган шахс, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакилининг апелляция шикояти беришга ҳақли бўлган доираси белгилаб қўйилган. Шикоят берувчи бошқа субъектлар (маҳкум, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакили, жабрланувчи ва унинг вакили) хусусида шуни айтиш мумкинки, уларга шикоят бериш хуқуки борасида ҳеч қандай чеклов белгиланмаган⁴².

Жиноят процессуал Жиноят процессининг мустақил босқичларидан бири-суднинг қонуний кучга кирган ҳукмларини кассация тартибида кўриб чиқилишидир.

қонуний кучга кирган суд ҳукми, ажримининг кассация тартибида кўриб чиқилиши биринчи инстанция суди томонидан йўл қўйилган хатони тузатиш имконини беради.

⁴² Тухташева У.А. Жиноят процессида апелляция: Ўзб =ылланмаси. / Ю.Ф.Д., проф. М.Ш.Рустамбаев ташрири остида. –Т.: ТДЮИ, 2004. – 18-бет.

қонунчиликда кассация тартибida шикоят келтирувчилар рўйхатида химоячи ҳам кўрсатилган (ЖПКнинг 498-моддаси). Химоячи биринчи инстанция судида иштирок қилган бўлса, судланувчи билан кассация инстанциясида иштирок этиш тўғрисида битим тузилиши-тузилмаслигидан қатъий назар кассация шикояти бериш хуқуқига эга. Агар у биринчи инстанция судида қатнашмаган бўлса, у ўз номидан (химоячи шахс номидан эмас), кассация шикояти ёзиб, унга юридик консультация ордерини илова қилиб топширади.

Химоячи кассация шикоятини келтиришда маҳкумнинг розилигини олиши керакми ёки йўқми деган савол туғилади? Жиноят процессуал қонунида бу нарса ёритилмаган.

Ишда химоячининг иштироки судланувчининг эркига боғлиқ бўлиб, у хоҳлаган вақтда химоячидан воз кеча олади. (ЖПКнинг 52-моддаси). Демак у кассация шикояти келтириш пайтида ҳам химоячидан воз кеча олади.

«Агар маҳкум кассацион шикоят келтиришни хоҳламаса, унинг химоячидан ҳам воз кечганлигини билдиради».⁴³ Шунинг учун «химоячи тўлиқ процессуал мустақил бўлиб, маҳкумнинг эркidan қатъий назар «шикоят келтиришга ҳақли»⁴⁴ деган фикр билан келишиб бўлмайди, айниқса оқлов хукми чиқарилган бўлса. Шунинг учун ҳар қандай ҳолда кассацион шикоят бериш масаласини химоячи маҳкум билан келишиб ҳал қилиши лозим.

Агар химоячи ўз ташаббуси билан кассацион шикоят берсада, судланувчи бу шикоятни чақириб олса, бу унинг ҳам шикоят қилишдан ҳам химоячидан воз кечганлигини билдиради. Чакириб олинган шикоятни эса кассация суди қўриб чиқишига ҳақли эмас.

Химоячи адвокат ўзи шахсан келтирган шикоятини чақириб олмайди, чунки у ўз зиммасига олган ҳимоя қилиш вазифасидан воз кеча олмайди.

⁴³ Біеңшәейіл І.Е. Іауыңжадаеүііл ө÷аңдөёў қашеөіеә а óаіеііі іðіоаңп. Учебное пособие. -І., 1997. 14-бет.

⁴⁴ Надеєній О.І. Қашеөіеә а óаіеііі іðіоаңп. –О., 1971.182-бет.

Лекин судланувчи вояга етмаган бўлса жисмоний, руҳий камчилиги бўлса, унинг кассацион шикоят келтиришдан воз кечиши ҳимоячи учун мажбурий характерга эга эмас.

қонунда кассацион шикоятнинг қатъий формаси белгиланмаган. Ҳимоячи кассацион шикоят ким томонидан келтирилаётганини, ҳукмнинг қонуний асосланмаганлиги нимадан иборат эканлигини кўрсатиб, бунда далилларга хавола қиласди, иш варакларини кўрсатади ва қайси қонун талаблари бўзилганлигини кўрсатиб унинг илтимоси қандай эканлигини баён этади, шикоятга кўл қўйиб ўз муддатида топширади.

Кассация тартибида шикоят келтириш муддати ЖПКнинг 500-моддасига асосан биринчи инстанция судининг ҳукми устидан шикоят ва протестлар ҳукм эълон кундан эътиборан ўн сутка ичida, маҳкум, оқланган шахс, жабрланувчи томонидан эса, унга ҳукм нусхаси топширилган кундан эътиборан ўн сутка ичida берилиши мумкин.

Ишни кассация суди мажлисида қўришда ҳимоячининг иштирок этиши жиноят процессуал қонунчилигининг моддаларида мустаҳкамланган. (ЖПКнинг 479-моддаси).

Ҳимоячининг кассация инстанциясидаги иштироки маҳкумнинг бу босқичда ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашнинг муҳим воситасидир.

Кассация инстанциясида ишнинг қўрилиши ҳақида, кассация шикояти берган шахс, ҳимоячи, шунингдек берилган шикоят ёки протест кимнинг манфаатларига тааллуқли бўлса, ана шу процесс иштирокчилари суд томонидан ишнинг қўрилиш вақти ва жойи ҳақида хабордор қилиниши лозим.

Кассация инстанцияси суди ишни судланган шахс ёки унинг ҳимоячисининг иштирокисиз, суд мажлиси вақти ва жойи тўғрисида уларни хабардор қилмасдан туриб кассация инстанцияси суди ишни кўрган бўлса, бу холда жиноят процессуал қонун нормаси талабларини қўпол бузилиши хисобланади ва кассация инстанцияси чиқарган ажримини бекор қилишга асос бўлади.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди кассация инстанцияси тартибида А. ва В.ларнинг ишини ўзгаришсиз қолдириб маҳкумлар ва ҳимоячининг шикоятларини қондирмади. Ҳарбий суднинг раиси протест келтириб, кассация ажримини бекор қилиш масаласини қўйди.

Иш материалларидан кўриниб турибдики, маҳкумлар А. ва В. кассация инстанциясида қатнашиш учун ҳимоячи билан битим тузганлар, лекин ҳимоячиларга ишни кассация инстанциясида кўриш вақти ва жойи хақида хабар қилинмаган.

Кассация инстанцияси ҳимоячиларнинг иштирокисиз ишни кўриб, маҳкумларга малакали ҳуқуқий ёрдам беришдан маҳрум қилган, бу эса жиноят процессуал қонун талабларини қўпол бузилиши ҳисобланади.

Ҳарбий суд ҳайъати иш материалларини кўриб чиқиб юқоридаги асосларга кўра, кассация ажримини бекор қилди ва ишни бошқадан кассация инстанциясида кўриб чиқиш учун юборди.⁴⁵

«Ҳимоячи иш кассация инстанциясида кўрилаётган вақтда узрли сабаблар билан иштирок эта олмаса, ишни кўришни бошқа кунга қолдиришни сўраб илтимоснома қиласи ва унинг илтимоси қаноатлантирилиши лозим. Ҳимоячининг иштирокисиз ишни кўриш жиноят процессуал қонунчилигига зиддир».

Кассация инстанцияси судида ҳимоячи, ўзига ва маҳкумга шахсан суд мажлисида иштирок этиб тушунтириш беришларини сўраб илтимоснома келтирган бўлса ва кассация инстанцияси суди уларнинг иштирокисиз кассация шикоятини кўриб чиқган бўлса, маҳкумнинг ҳимоя ҳуқуки қўпол бузиш ҳисобланади.

Масалан, Ф.нинг иши бўйича ҳимоячиси ҳукм устидан кассация шикоят келтирадилар. Иккинчи инстанция суди 6 март куни ишни кўришга тайинлаб, маҳкум ва унинг ҳимоячисига хабар қилинган. Маҳкум Ф. ва унинг ҳимоячиси 6 март куни соат 14:00 ларда етиб келадилар, аммо кассация инстанция суди бу вақтга келиб ишни кўриб чиқсан бўлади.

⁴⁵ Уçáåêèñöîí Đâññóäëëàñè Ùàðáèé ñóäëíèíä æîðèé àððèâëäàí. 2002 йил.

Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати Тошкент шаҳар прокурори маҳкумнинг ҳимоя ҳуқуқи бузилганлиги сабабли кассация суди ажримни бекор қилиш тўғрисидаги протестни рад этган. Республика Баш Прокурорининг ўринбосари, Республика Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига қўйидаги асосда протест келтирган:

Тошкент шаҳар суди раёсати Тошкент шаҳар прокурори протестини рад этиб, кассация инстанцияси суди камидаги уч кун қолганда тарафларни иш кўриш вақти ҳақида хабардор қилган.

Ф.нинг иши 6 март куни соат 12:00га тайинланган. Ф. ва унинг ҳимоячиси ўз вақтида келмаганлиги туфайли кассация суди уларнинг иштирокисиз иш кўришига эга деб кўрсатилган.

Иш материаларидан шу аниқландик, Ф. ва унинг ҳимоячиси шаҳардан ташқарида яшаганлар, ишнинг кфрилиши куни уларга айтилган. Ҳимоячи Тошкент шаҳар судига телеграмма юбориб, шахсан ўзи тушутириш бермоқчи бўлганлигини кўрсатган. Бу ҳолатларни эътиборга олмай, шаҳар суди ҳимоячининг илтимосномасига юзаки ёдошиб, маҳкумнинг ҳимоя ҳуқуқини бузган.

Республика Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати протестни қаноатлантириб, кассация ажримини бекор қилди ва ишни кассация тартибида кўришга тайинлади.⁴⁶

«Кассация шикояти мустақил процессуал ҳужжат, адвокатнинг сўзга чиқиши эса мустақил процессуал ҳаракат бўлиб ҳимоя воситаларидан бири бўлиб ҳисобланади».

Ҳимоячилар томонидан кассация шикоятларини тузишда камчиликларга йўл қўйилган. Улар иш материаллари билан чуқур танишмайдилар, кўп эпизодли, кўп жилдли ишлар бўйича чиқарилган ҳукмларни тўлиқ ҳамма эпизодлар бўйича айлов шаклланганлигига ҳукм ЖПК нормаларига мувофиқлигига, эхтимоллар асосида ёзилган бўлиши

⁴⁶ Ӯçáåêèñòï Ðåññóåëëàñè îëëé ñóäëíèíä æîðèé àððèâè. 2002 éëë.

мумкинлигига эътибор бериб, Олий суд Пленуми қарорларига асосланиб кассация шикоятини тузиб чиқсалар мақсадга мувофиқ бўлади.

«Ҳимоячилар кассация шикоятларида ўз илтимосларини енгил жазо қўллаш, ҳукмни бекор қилиш, ишни қўшимча терговга юбориш тўғрисида аниқ равshan, конкрет ёзишлари керак. Кассация суди ваколати доирасидан четга чиқадиган масала қўйилмаслиги керак».⁴⁷

Баъзи ҳимоячилар биринчи инстанция суди томонидан камчиликларга йўл қўйилганлигини айтиб ўтадилар, лекин бу камчиликлар қайси ҳолда нималарда намоён бўлишини далиллар билан исботлаб бера олмайдилар.⁴⁸

Айрим ҳолларда ҳимоячилар кассация судида тушунтириш бераётганирида қатор саналарни, қисмларни, кунларни келтирадилар, бу иккинчи инстанция суди аъзоларига мазмuni тушунарлими, уларни қизиқтиrmайди, уларни тушунтиришлари ортиқча штатлар, қатор фамилиялар иш варагига ҳоли аниқ қисқа бўлиши керак. Буларнинг ҳаммаси эса кассация шикоятида кўрсатилади.

Кассация инстанцияси судида ҳимоячи юқоридаги ҳолатларга ўз эътиборини қаратиб, актив иштирок этиши лозим.

Назорат инстанцияси қонуний кучга кирган суднинг ҳукми, ажрим ва қарорларини қонунийлигини назорат тартибида текширишдир.

Назорат инстанциясида ҳимоячининг процессуал вазифаси маҳкумнинг ёки оқланган шахсни ҳимоя қилишдан иборатdir.

қонуний кучга кирган ҳукм ва ажрим (қарор) устидан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 498-моддасига асосан: маҳкум, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили шунингдек, жабрланувчи, унинг вакили суднинг қонуний кучга кирмаган ҳукми устидан шикоят беришга, прокурор ва унинг ўринbosарлари протест билдиришга ҳақлиdir.

⁴⁷ Йавёйа Э.А. Эаңнàօէնіայ іðіèçâîñðâî â óâîëîâíî iðîoâññå. І., 1986. 258-бет.

⁴⁸ Надеёйио А.И. Ҫàщèòíèê â óâîëîâíî iðîoâññå –О., 1971. 212-бет.

Фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари ҳукмнинг фуқаровий даъвога дахлдор қисми устидан шикоят беришга ҳақлидир.

қонунчиликда қонуний кучга кирган ҳукм ёки ажримга нисбатан шикоят беришга ҳақли шахсларнинг рўйҳати қатъий равишда белгиланган ва уни кенгайтириш мумкин эмас.

Ҳукм, ажрим ва қарорларга келтириладиган шикоят ва протестлар бошқа шахслар томонидан тайёрланиши мумкин, аммо назорат тартибида шикоят келтириш ҳуқуқига эга шахс томонидан имзоланиши лозим.

қонуний кучга кирган ҳукмга нисбатан шикоят ва протест келтирмасдан назорат тартибида ишни кўриш ман этилади.

Ҳукмни назорат тартибида кайта кўриб чиқиш муддати белгиланган бўлиб, унда протестдан оғирроқ жиноятга доир қонун моддаларини қўллаш зарурлиги, жазони кучайтириш ёки маҳкумнинг ахволини оғирлаштрадиган бошқа ўзгаришлар назарда тутилган бўлса, суднинг айлов ҳукмини ёки ажримини (қарорини), шунингдек суднинг оқлов ҳукмини назорат тартибида қайта кўриб чиқишига улар қонуний кучга киргандан кейин бир йил мобайнидагина йўл қўйилади (ЖПКнинг 513-моддаси).

Ҳимоячи, маҳкум, оқланган шахс у ёки бу асосларда суднинг чиқарган ҳукми, қарори, ажрими нотўғриadolatciz деб ҳисобласа назорат тартибида протест келтириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар номига шикоят келтиради.

Назорат тартибида шикоят келтириш ҳимоячи учун мажбурий эмас, лекин маҳкум ундан шуни талаб қилса, ҳимоячи шикоят ёзмасликка ҳақи йўқ. Ҳимоячи учун шикоят келтириш мажбурий эмас экан, у асосиз равиша маҳкум илтимосини рад эта олмади. Ҳар қандай ҳолда ҳам у иш материаллари билан танишиб, шикоят келтиришга асослар йўқлигига ишонч хосил қилиб маҳкумга тушунтириши керак. қонунчиликка асосан бу босқичда ҳам адвокат-ҳимоячи ҳимоядан воз кеча олмайди.

Ҳимоя остидаги шахснинг розилигисиз суд учун унинг ҳимоячидан воз кечиши мажбурий бўлмаган ҳолларда шикоят келтиради.

Ҳимоячининг назорат тартибида протест билдириши ҳақидаги илтимоси ҳам процессуал хужжат ҳисобланиб, маълум хуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради.

Ҳимоячи томонидан илтимоснома билдирилиши назорат тартибида протест келтиришга ваколатли шахслар томонидан суднинг қонуний кучга кирган хукми, ажрими ёки қарори устидан протест бериш масаласини ҳал қилиш учун қуидаги қарорлардан бирини қабул қилиш лозим:⁴⁹

Илтимосномада келтирилган важлар ҳукм ёхуд ажрим (қарорнинг) қонунийлиги ва асослигига шубҳа туғдирган ишни талаб қилиб олиш ҳақида;

Илтимосноманинг ўзида, шунингдек унга қўшиб топширилган ёки текшириш чоғида талаб қилиб олинган суд қарори нусхасида ва бошқа материалларда илтимосномада келтирилган важлар асоссиз бўлиб, протест беришга асос бўла олмаслиги кўриниб турса, ишни талаб қилиб олишни рад этиш ҳақида;

Протест билдириш ваколатига эга бўлган бўйсунувчи прокурор ёки қуий суднинг раиси томонидан ушбу ишга доир ҳукм ёки ажрим (қарор)га протест билдиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинмаган бўлса, илтимосномани уларга жўнатиш ҳақида.

Илтимоснома билан мурожаат этган шахсга илтимоснома юзасидан қабул қилинган қарор ҳақида хабар қилинади.

Назорат протести билдириш ҳақидаги илтимосномалар қонунда белгиланган муддатда кўриб чиқилиши лозим. ЖПКнинг 514-моддасига аоссан, назорат протести билдириш ҳақидаги илтимоснома бир ойгача бўлган муддатда, иш талаб қилиб олинадиган ва текшириладиган ҳолларда эса икки ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилиши лозим деб кўрсатилган.

Ҳимоячилар назорат тартибида протест билдириш ҳақидаги илтимосномани ёзма равишда ёки протест келтиришга ваколатли шахслар қабулига кириб бевосита оғзаки баён этишлари мумкин, лекин ёзма равишда келтирилган илтимосномалар мақсадга мувофиқ бўлади. Илтимосномаларни

⁴⁹ Ҷ. Ҳ. Ҳамидов. Ҳимоячиларни ҳақида. – Ташкент: Узбекистон шарқий тарбия ва наука институти, 1982. 141-бет.

тасдикловчи ҳужжатларнинг нусҳалари илова қилиниши шарт. Аммо ҳар доим ҳам назорат тартибида протест билдириш тўғрисидаги илтимослар ҳар томонлама тўлиқ этиб тузилмайди. Унда айрим ҳимоячилар ўзларининг фикрларини аниқ асосли баён этмайдилар ёки кассация тартибида билдирган илтимосномасидаги важларни такрорлайдилар.

Кассация шикояти иккинчи инстанция судига иш билан бирга жүнатиласы. Назорат тартибіда илтимоснома билдириш, кассация тартибіда билдирилған илтимосномадан фарқ қиласы.

Хукм, ажрим (карор) назорат тартибида кўриб чиқиш босқичида илтимосномани кўриб чиқаётган шахсда ишни тегишли суддан талаб қилиб олиб, текшириб чиқиш зарурлигига ишонч хосил қилдириши керак.

Ҳимоячи ўз илтимосномасида ишнинг ҳолатларини қисқача баён этади, иш материалларини анализ қилиб, маҳкумнинг хуқуки ва манфаатини чекловчи барча қонун бузилиши ҳолатларини таъкидлайди. Унинг талаби иш материаллари бўйича уйғулаштирилган, асосланган ва мақсадга мувофиқ бўлиши керак.

Махкумга берилган ижобий тавсифнома, турли маълумотлар, ишончномаларни ҳам илова қиласди. Шу билан бирга экспертиза хulosаларини рад этувчи мутахассислардан олган консультация, маълумотларни келтириши мумкин. Бу эса такрорий экспертиза ўтказишни тайинлаш муносабати билан ҳукмни бекор қилишга асос бўлади.

Химоячига протест келтиришни рад этиш ҳақидаги қарор билан танишиб чиқиш учун хуқук берилган. Бу эса унинг кейинчалик юқори инстанция илтимоснома келтиришинии қийналаштиради. Агар химояга шундай хуқук берилганди қарор сифати учун жавобгарликни оширган ва илтимоснома билан янада чуқурроқ танишиб чиқишни талаб қилған бўларди.⁵⁰

Химоячи келтирилган илтимос харакатлари устидан берилган шахсларга топширилиши мумкин эмас, баъзан амалиётда химоячиларнинг

⁵⁰ Йаңылай А.И. Іаңылай А.И. - 1974. 228-229-бетлар.

илтимоси маҳкум ёки бошқа шахсларнинг бу тўғрида келтирган аризаси рад этилганлиги сабабли кайтарилади.⁵¹ Бунда шу нарса эътиборга олинмайдики, ҳимоячи ўз шикоятини иш материалларини ўрганиб тузади, унда олдингиларнинг илтимосида кўрсатилмаган важлар бўлиши мумкин.

Ҳимоячи бу ҳолда бир шахснинг илтимосини рад этилиши, иккинчи бир шахснинг ана шу масалада илтимос қилишига тўсқинлик қилмаслигини кўрсатиб бериш лозим. Суд мажлисида иштирок этиётган ҳимоячи илтимоснома келтириши, отвод билдириши, нотикка саволлар беришга, қўшимча материаллар тақдим этишни, протест ва бошқа масалалар юзасидан тушунириш бериш мумкин.

Амалиётда ҳимоячилар камдан-кам ҳолларда назорат тартибида иш кўрилаётганда иштирок этадилар. Чунки судлар ҳамма вақт ҳам ҳимоячини суд мажлисига чақирмайдилар. қонунда эса назорат тартибида иш кўрилаётганда судлар ҳимоячини чақиришлари, иш кўриладиган кун ҳақида унга хабар беришлари мажбурияти юклатилмаган. Кўпгина юридик адабиётларда назорат тартибида иш юритилаётганда судлар томонидан маҳкум оқланган шахс ва уларнинг ҳимоячиларини иш кўриладиган жой ва вақти ҳақида хабардор қилиниши, улар ўз ихтиёри билан келиб суд мажлисига тушунириш беришлари таъминланса деган фикрлар мавжуд.⁵² Биз ушбу тўғрида юридик адабиётларда келтирилган таклифларга қўшиламан.

қонунчиликда назорат тартибида иш кўрлишида маҳкум, оқланган шахс ва унинг ҳимоячиларини иштирок қилиш мажбурияти юклатилмаган, бу уларнинг ҳуқуқи бўлиб назорат тартибида иш юритилаётганида иштирок қилиши мумкин.⁵³

Назорат инстанциясидаги ишларни ёпиқ суд мажлислирида қўрилиши жиноят судлов ишларини юритишда ошкоралик принципига зиддир ва

⁵¹ АҶАӨӨЕЕІ А.Ç. О÷АНДЕА ҶАЩЕОІЕЕА А ІАДАНІІОДА ЙДЕАІАІДА А ЙІДҮАЕА НОАААІАІ ІААСІДА. -І., 1971. 36-бет.

⁵² ӮДАОАІАІЕЕ Р.Е. ОАІЕІАІІ-ІДІОАННДАЕУІАҮ ААЙДАЕУІНДЮ ҶАЩЕОІЕЕА. -І. 1982. 143-144-бетлар.

⁵³ ӮДЕЕНҮІО А.И. ҶАЩЕОІЕЕ А ОАІЕІАІІ ЙДІОАНН. -О., 1971. 142-бет.

айбланувчининг ҳимоя ҳуқуқи билан таъминланишига тўсқинлик қиласди, уни тўлиқ амалга оширилмаслигига олиб келади деб ҳисоблайман.

Юридик адабиётларда ҳимоячининг назорат тартибида иш суд мажлисида қўрилаётганида ҳимоячи ўз хоҳиши билан қатнашиш ҳуқукини берилиши кўрсатилган. Ҳимоячининг назорат тартибида иш қўрилаётган суд мажлисида қатнашиши унинг илтимосида келтирилган важларни бевосита баён қилиб, асослаб беришда суднинг ҳукми, ажрими, қарори, қонунга ҳилоф ёки асосланмаганлиги ёхуд адолатсизлигига уларни ишонтириб, бу масалаларни тўғри ҳал қилишларида муҳим рол ўйнарди.⁵⁴

Демак, ҳимоячининг назорат инстанциясидаги иштироки ҳам маҳкум, оқланган шахсни ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун қонунда белгиланган усул ва воситалардан фойдаланиб, ҳимоя функциясини амалга оширишдан иборатдир.

Ҳимоячи жиноят судлов ишларини юритишнинг ҳамма босқичида иштирок қилиш ҳуқуқига эга экан, худди шунингдек янги очилган ҳолатлар муносабати билан иш юритишни қайтадан бошланганда ҳам ҳимоячи иштирок қилиш ҳуқуқига эга.

ЖПКнинг 522-моддасига асосан янги очилган ҳолатлар муносабати билан иш юритишни қайтадан бошлаш учун қуидагилар асос бўлади:

- жабрланувчи ёки гувоҳнинг била туриб ёлғон кўрсатув ёхуд экспертнинг била туриб ёлғон хulosा бергани, шунингдек ашёвий далиллар, тергов ҳамда суд ҳаракатлари баённомалари ва бошқа хужжатлар сохта эканлиги ёки била туриб ёлғон таржима қилингани, қонунга ҳилоф ва асоссиз ҳукм ёки ажрим (қарор) чиқарилишига сабаб бўлганлиги суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланганлиги;

- иш бўйича тергов ўтказган суриштирувчи ёки терговчи ёхуд терговнинг бориши устидан назорат қилган прокурор томонидан қонунга ҳилоф ва асоссиз ҳукм ёки ажрим (қарор) чиқаришга олиб келган жиноий

⁵⁴ Ӯзбекистон Республикасынин юридик адабиётларни олиб келган жиноийнинниң 1982. 146-бет.

суюистеъмолларга йўл қўйилгани суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланганлиги;

- мазкур ишни қўриш чоғида судьяларнинг жиноий суюистеъмолларга йўл қўйгани суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланганлиги;

- ҳукм ёҳуд ажрим (қарор) чиқариш чоғида судга маълум бўлмаган, ўз ҳолича ёки илгари аниқланган ҳолатлар билан биргаликда маҳкумнинг айбисизлигидан ёҳуд у ҳукм этилганига нисбатан оғирлик даражаси бўйича бошқа жиноят содир этганлигидан ёҳуд оқланган ёки иши тутатилган шахснинг айбдорлигидан далолат берадиган бошқа ҳолатлар.

Х У Л О С А.

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий демократик давлат фуқаролик жамияти қуриш йўлини танлар экан, давлатимизда бу мақсадга эришиш учун кўплаб ислоҳотлар амалга оширилмоқда, инсон ҳуқуқларни ҳимоя қилиш, жамият аъзоларинини ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор берилгандир. Ушбу мақсадга эришиш борасида адвокатура тизими тубдан ислоҳ қилиниб, унинг мустақиллиги таъминланди.

Конституция Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир фуқаронинг келажагини кафолатлайди. Фуқароларнинг хақ ҳуқуқлари, бурчлари тегишли қонунлар билан билан мустахкамланган. «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари инсон ҳуқуқлари умумжахон декларациясининг барча асосий ғоя ва қоидалари конститутцияда сингдирилган. Инсон, унинг хаёти, эрки, шавни, қадр-киммати ва бошқа ҳуқуқ ва эркинликлари муқаддасдир».⁵⁵

Президентимиз И.А.Каримов айтганидек: «биз учун фуқаролик жамияти ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсонни ўз-ўзини камол топтиришга монеълик қилмайди, аксинча ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўла даражада рўёбга чиқаришга кўмаклашади».

Мустақил республикамида ҳуқуқий демократик давлат қурилишига пойdevor қўйиш жараёнида демократик институтларни

⁵⁵ Каримов И.А. Буюк келажагимиз ўгу=ий кафолати. - Т.: Шар=, 1993. - 8-бет.

такомиллаштириш, уларни татбиқ қилиш долзарб масала ҳисобланади. Худди шунинг қатори шахс ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни реал кафолатлашда жиноят процессуал қонунчиликда профессионал ҳимоячининг иштироки, унинг ролини ошириш муҳим ўрин тутади. Бу жиноят процессидаги энг муҳим институтлардан биридир.

Аҳолининг ҳуқуқий онгини ва ҳуқуқ маданиятини ўстиришда, уни такомиллаштиришда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда адвокатуранинг ўрни беқиёсdir. Адвокатлар ўз вазифаларини бажариш чоғида эмас, балки хизматдан ташқари муносабатларда ҳам адвокатура обрўсини тўқадиган, адвокатлик қадр-қимматига ҳамда ҳар қандай хатти-харакатлардан ўзларини тийишлари керак, бу адвокатларга қўйилган қатъий талабдир.

Ҳимоячининг жиноят процессидаги процессуал ҳолати масалаларини ўрганганимизда, ҳимоячининг иштироки билан боғлиқ жиноят процесси босқичларидаги муаммоларни ўрганиш, уларни бартараф этиш усулларини топиш ва бу борада янгиликлар киритишга ҳаракат қилдик. Ваҳоланки, жиноят процессуал қонунчилигининг бу нормаларига қотиб қолган (догма) нарса деб эмас, балки ҳаракатдаги, ривожланишдаги динамик жараён, деб қараш керак. Чунки жамият тараққиёти билан бир вақтнинг ўзида жиноят процессуал қонунчилик ҳам такомиллашиб бормоғи лозим.

Шундай қилиб, жиноят процессида ҳимоячининг процессуал ҳолатига доир масалаларни кўриб чиқиб, амалдаги жиноят процессуал қонунчилигига қўйидаги қўшимчалар киритишни таклиф қилмоқчимиз:

1. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 51-моддасида кўрсатилган дастлабки терговда ҳимоячининг иштирок этиши шарт бўлган ҳолатлар қаторига «Саводи етарли бўлмаган, интеллектуал даражаси паст бўлган шахсларнинг жиноят ишлари бўйича ҳам ҳимоячининг иштироки шарт»лиги ҳақида норма киритиш, чунки

бундай айбланувчилар ҳам барча иш материаллари ёзма равища бўлганлиги сабабли ўзларининг нимада айбланаётганликларини тўла тушуниб етмасликлари мумкин;

2. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 375-моддасига вояга етмаганлар, жисмоний ва руҳий камчилиги бор айбланувчилар ишнинг мазмун ва моҳиятига тўла тушуниб етишлари учун, иш материаллари билан фақат ҳимоячи билан биргалиқда ва бир вақтда таниширилиши шарт эканлигини белгилаш;

3. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 375-моддасига дастлабки терговда иш материаллари билан танишишда баённоманинг мазмуни ва моҳияти кейинчалик айбни оғирлаштириш томонига ўзгартирилишининг олдини олиш мақсадида, айбланувчи ва ҳимоячи ўзлари лозим деб топган иш материалларининг керакли ва рақларига имзо чекиб, бу ҳақда иш материаллари билан танишиш баённомасига изоҳ киритиши мумкинлиги тўғрисидаги қоидани қўшимча қилиб киритиш;

4. Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 426-моддасига суд мажлиси баённомаси билан танишишда бу баённоманинг кейинчалик алмаштирилмаслиги, ўзгартирилмаслиги учун айбланувчи ва ҳимоячи ўзлари лозим деб топган баённоманинг варакларига имзо чекиб, бу ҳақда суд мажлиси баённомасига изоҳ қилиб киритиш тўғрисидаги қоидани қўшимча қилиб киритиш;

5. Адвокатнинг жиноят процессида ҳимоячи сифатидаги иштирокини билан боғлик қонун нормаларини янада такомиллаштириш зарур. Айниқса, «далиллар тақдим қилиш» ҳуқуқини амалга ошириш жараёнида амалиётда кўпгина муаммоларга дуч келинмоқда. Адвокатлик амалиётини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, айрим холларда ҳимояни мустахкамлайдиган далиллар мижознинг шахсан ўзи ёки унинг қариндошлари томонидан ҳимоячига тақдим этилмоқда. Бунга асосий сабаб тергов органларида айлов йўналиши доимо устун бўлиб

келганлиги учун суриштирувчи ёки терговчи томонидан айбланувчининг холатини енгиллаштирадиган далилларни қабул қилиб олмаслик ёки уларга нисбатан бўлган ишончсизлик туфайли фуқаролар томонидан далиллар ҳимоячига тақдим қилинади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 198, 200-моддаларида, нарсалар ва хужжатларни уларнинг эгаси бўлмиш шахслар ташаббуси билан суриштирувчи, терговчи ёки судга тақдим қилиш мумкинлиги белгиланган. Бизнингча, ушбу моддаларда ҳимоя позициясини мустахкамлайдиган, яъни, мижознинг айбизизлигини исботлайдиган ёки айбини енгиллаштиришга хизмат қиласиган нарсалар ва хужжатлар уларнинг эгалари томонидан ҳимоячига тақдим қилиниши мумкинлигини белгилайдиган холатларни белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқdir.

6. Ҳимоячининг «юридик ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган масалалар юзасидан эксперталар хулосаларини, мутахассисларнинг маълумотнома-маслаҳатларида мижознинг розилиги билан сўраш ва ёзма тарзда олиш» билан боғлиқ ҳуқуқининг амалга оширилиши жараёни янада такомиллаштирилиши зарур. Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 180-моддасига адвокатнинг экспертиза ўтказиш ва хулоса бериш тўғрисида мурожаат қилишга ҳақли эканлиги ҳақидаги нормаларни киритиш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки адвокатларга ушбу ҳуқуқни амалга оширишнинг реал кафолатланиши улар томонидан жиноий иш бўйича ҳимоя функциясининг фаол ва самарали амалга оширилишига ёрдам беради.

7. Жиноят ишида ҳимоя позициясини қўллаб-қувватловчи гувоҳларнинг кўрсатувлари жуда муҳим аҳамият касб этади. Амалдаги қонунчилигимизга кўра ҳимоячи айловни оқлайдиган ёки енгиллаштирадиган далиллар бериши мумкин бўлган гувоҳни сўрок қилиш учун тергов органларига илтимоснома киритади. Лекин ушбуни белгиловчи қонун нормалари ҳимоячига сифатли ва самарали ҳимояни

амалга ошириш имконини бермайди. Чунки гувоҳнинг маълумоти баъзида ҳимоя манфаатига мос келмаслиги ёки терговчи томонидан ҳимоянинг гувоҳига тазийқ ўтказилиши мумкин. Шунинг учун адвокатларга мустақил равишда шахсларни сўроқ қилиш хуқуки таъминлаши зарур. Шахсларнинг адвокат томонидан сўроқ қилиниши дейилганда, уларнинг ўз ихтиёрлари билан ҳимоячига воеа ва фактлар тўғрисида оғзаки ёки ёзма маълумотлар беришини ва адвокат томонидан хусусий текширув ўтказилиши маъносида тушуниш керак. Адвокатнинг ушбу хуқуки деярли барча ривожланган демократик давлатлар хуқуқий тизимида йўлга қўйилган. Шунинг учун адвокатларнинг хуқуқларини белгиловчи амалдаги қонун нормаларига «адвокат хусусий текширув чораларини амалга ошириш хуқуқига эга» деган қўшимча киритиш зарур.

Шундай қилиб, хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, жиноят процессида ҳимоячи процессуал ҳолатини ривожлантириш, такомиллаштириш одил судлов манфаатларига, инсон хуқуқлари бузилишини олдини олишга ва уларнинг конституциявий хуқуқларини ҳимоя қилишга хизмат қиласди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЕТЛАР РЎЙХАТИ

I. РАҲБАРИЙ АДАБИЕТЛАР:

Каримов И.А. Ўзбекистон келажаги буюк давлат. -Т.: Ўзбекистон, 1992.

Каримов И.А Ҳозирги босқичда демократик ислоҳотларни чукурлаштиришнинг муҳим вазифалари.-Т.: Ўзбекистон, 1996.

Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997.

Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. –Т.: Ўзбекистон, 1999.

Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т.: Ўзбекистон, 2001.

Каримов И.А. Адолат–қонун устоворлигида. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Олий Мажлиснинг 2-чакирик 6-сессиясида нутқи. Т.10. –Т.: Ўзбекистон, 2002.

Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш. -Т.: ИПТД Ўзбекистон, 2005.

II. ҚОНУН ВА НОРМАТИВ ҲУЖЖАТЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2004.

Ўзбекистон Республикасининг қонун ва Фармонлари. -Т., 2000.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси, Т.; Адолат, 2004.

Ўзбекистон Республикасининг «Адвокатура тўғрисида»ги қонуни. Т., 1996.

Ўзбекистон Республикасининг «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва уларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги қонуни. Т., 1999.

Ўзбекистон Судлар тўғрисида»ги қонуни (янги таҳрири). Т.: Адолат, 2001.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Суд ҳокимияти тўғрисида»ги қарори. 1996 й. 20 декабрь.

“Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида“ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарори 2000. 15 сентябр. № 21.

III. МАХСУС АДАБИЁТЛАР:

1. Абдумажидов Г. Шахсий хуқуқ ва эркинликлар: хуқуқий нормаларни ривожлантириш. // Давлат ва хукуқ. - 2000, - № 1.
2. Адаменко В.Д. Сухность и предметъ захиту обвиняемого. Томск., 1983.
3. Коллектив авторов. Адвокатская деятельность в Республике Узбекистан. В двух томах. –Т.:Консаудитинформ, 2007.
4. Азнауров. Э. Адвокат-всегда защитник. // Адвокат. Т., 2000. №2.
5. Бойков А.Д. Этика профессиональной захиту по уголовнўм делам. М., 1978.
6. Большаков М.И. Обязательное участия защитника в уголовном процессе. Учебное пособие. -М., 1997.
7. Васильев В.Н. Некоторые вопросы захиту по уголовнўм делам. // Гос. и право. 1995., № 4.
8. Владимиров И. Защита по делам о несовершеннолетних // Сов. юстиция, 1983. №12.
9. Вўдоя М.М. Функция захиту в советском уголовном процессе в сборнике в помохъ адвокату. Краснодар, 1972.
- 10.Гуткин И.М. Участие защитника на предварительном следствии уголовном процессе. // Правоведение 1993.
- 11.Даньшина Л.И. Возбуждение уголовного дела и предварительное расследование в уголовном процессе. – М.: Экзамен, 2003.
- 12.Жиноят процесси: Дарслик. Умумий қисм. /Доцент З.Ф.Иногамжанова умумий таҳрири остида. Т.: Янги авлод, 2002.

13. Жиноят процесси: Дарслик. Махсус қисм. /Доцент З.Ф.Иногамжанова умумий таҳрири остида. Т.: ТДЮИ, 2003.
14. Зинатулин З.З. Обхие проблемў обвинения и захитў по уголовнўм делам. Ижевск. 1989.
15. Игнатов С.Д. Адвокат-субъект профессиональной захитў. // Адвокатская практика. 1999., № 1-2.
16. Ларин А. М. Особенности участия защитника в уголовном судопроизводстве. // Гос. и право. 1994. № 3.
17. Милова И.Е. Участие адвоката-защитника в собирании доказательств на предварительном следствии. М. 1999.
18. Муаллифлар жамаоси. Ўзбекистон Республикасининг жиноят процессуал кодексига шархлар. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси. Т., «Адолат», 2000.
19. Перлов Г.П. Надзорное производство в уголовном процессе М.1974.
20. Рўжаков А.П. Субъектў уголовного процесса. М., 1996.
21. Рустамбаев М.Х., Никифорова Е.Н. Правоохранительнўе органў. Учебник. -Т.: ТДЮИ, 2003,
22. Рўзиева Н. Адвокатнинг ҳимоя нутқи ҳақида мулоҳазалар. //Адвокат, 2003. №1.
23. Салихов. Б. Судебно-правовая защита права и свобод граждан в отношении с государственными органами и должностнўми лицами. // Адвокат. Т., 2000. №2.
24. Саломов Б. Ўзбекистонда адвокатлик фаолияти. Т., Адолат. 2000.
25. Саломов Б. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда адвокатуранинг роли. // Инсон ҳуқуқларини суд ва суддан ташқарида ҳимоя қилиш муаммолари мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари. Т.: ТДЮИ, 2005.

- 26.Саломов. Б. Шахсий ва оилавий адвокат ёллаш тартиби. // Адвокат, Т., 2000. № 2.
- 27.Саркисянц Г.П. Защитник в уголовном процессе. Т. Ўзбекистан. 1971.
- 28.Саркисянц Г.П. Участие защитника в суде первой инстанции. Т.1965.
- 29.Стецовский Ю.И. Адвокат в уголовном судопроизводстве. М. 1989.
- 30.Стецовский Ю.И. Уголовно-процессуальная деятельность защитника. М., 1982.
- 31.Стецовский Ю.И., Ларин А.М. Конституционный принцип обеспечения обвиняемому права на защиту. М., 1988.
- 32.Синайский Э.Д. Некоторые проблемы адвокатской деятельности. Киев, 1989.
- 33.Строгович М. С. Теория судебных доказательств. М., Наука. 1991.
34. Тўлаганова Г.З. Жиноят процессида эҳтиет чораларининг қўллашнинг муаммолари: Монография. - Т.: Адолат, 2005.
- 35.Тухташева У.А. Жиноят процессида апелляция: Ўқув қўлланмаси. / Ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбаев таҳрири остида. –Т.: ТДЮИ, 2004.
- 36.Фаткуллин Ф.Н., Зинатуллин З.З., Аврах Я.С. Обвинение и защита по уголовному делу. Казань, 1976.
- 37.Шарофутдинов А.О. Энг муҳими-ҳимоя ҳуқуқи // Адвокат. 2003. № 2.
- 38.Шаповалова Г. И. Залог – как мера пресечения: Автореф. Дисс... канд. юрид. наук. – Красноярск: 2001

IV. АМАЛИЕТ МАТЕРИАЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг жорий архиви. 2005 йил.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жорий архиви.
2005 йил.

Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича судининг жорий архиви. 2006 йил.

Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича суди материаллари архиви. 2006 йил.